


## 2:7 ТУРКУМИ

### 1-БОСҚИЧ



*«Олган таълимotingизга мувофиқ,  
Унда томир ёйиб, қарор топинг,  
иймонингизда қаттиқ туринг, шу  
йўлда ривожланиб бориб, Худога  
шукроналар тилингиздан  
тушмасин»*

**КОЛОСАЛИКЛАРГА 2:7**

**ЖАМОАТНИНГ ОДДИЙ АЪЗОЛАРИ  
УЧУН ЎҚУВ ДАСТУРИ**

## МУНДАРИЖА

БУ ТУРКУМ КАНДЛЙ ЮЗАГА КЕЛДИ.....	3
КУЛЛАНМАНИ УРГАНИШ БУЙИЧА КУНДАЛИК.....	5
<b>1-ЧИ МАШГУЛОТ</b> .....	6
Мукаддас Китобни укиганда кандай белгилар куйиб борилади.....	6
Мукаддас Китобни каеридан бошлаб укиш керак .....	7
Белгилаб укиш учун машklar .....	7
Масих билан бошлаш: Тушунча .....	8
Оят кай тарика яхши ёдланади .....	12
<b>2- ЧИ МАШГУЛОТ</b> .....	14
Масих билан бошлаш: Кискача текширув.....	14
<b>3-ЧИ МАШГУЛОТ</b> .....	16
Ёд олган оятларни биргаликда такрорлаш.....	16
Чарлз И. Хаммел «Шошилинч ишлар юки остида».....	17
«Шошилинч ишлар юки остида» маколасини мухокама килиш.....	23
«Мукаддас Китобни укиш кундалигидан» кандай фойдаланиш.....	23
<b>4 - ЧИ МАШГУЛОТ</b> .....	25
Ибодатга доир амалий таклифлар.....	25
<b>5 - ЧИ МАШГУЛОТ</b> .....	28
«Мукаддас Китобни укиганда ёзув кундалигидан» фойдаланиш .....	28
«Мукаддас Китобни укиганда ёзув кундалиги» нима учун керак .....	28
Худо билан якка колиш вакти .....	29
Мукаддас Китобни укиш, оятларини ёд олиш ва Мукаддас Китобни урганишнинг хусусиятлар .....	30
<b>6 - ЧИ МАШГУЛОТ</b> .....	32
<b>7 - ЧИ МАШГУЛОТ</b> .....	33
Ибодатли суҳбат оид йуриклар .....	33
<b>8 - ЧИ МАШГУЛОТ</b> .....	35
<b>9 - ЧИ МАШГУЛОТ</b> .....	36
«Гилдирак» тасвири.....	36
<b>10 - ЧИ МАШГУЛОТ</b> .....	45
«Гилдирак» тасвирининг хаётимдаги ахамияти кандай ёрдам береди.....	46
<b>11 - ЧИ МАШГУЛО</b> .....	46
<b>12 - ЧИ МАШГУЛОТ</b> .....	47
Мукаддас Китобдаги оятларни ёд олиш нега керак.....	47
«СЕНИНГ МАСИХДАГИ ХАЁТИНГ», Шогирдлик боскичлари, 1-чи боскич .....	49
«Худо сенга гамхурлик килад .....	50
«Исо Масихнинг шахси» .....	54
«Исо Масихнинг ерга келиш максоди».....	59
«Рух сенинг калбингда».....	63
«Мукаддас Китобни укиганда ёзиш кундалиги» ва «Укиш кундалиги».....	67

## Бу туркум қай тарика юзага келди

Мазкур 2:7 туркум дарслари шогирдликка, Масихнинг хақиқий шогирдларини тарбиялаб етиштиришга янги ёндошувдир. Бу китоб кўп ибодатлар, изланишлар ва масихий жамоаларида такрор-такрор синаб кўришлар ҳамда тўпланган тажрибани қайта ишлаш натижасидир. Туркум жами олти босқичдан иборат бўлиб, уларда иймонни мустаҳкамлаш ва руҳоний хизмат учун зарур барча нарсаларни ўргатишга алоҳида эътибор берилади.

Ушбу туркум нима учун 2:7 деб номланган? Унинг номи Колосаликларга мактубнинг 2:7 ояти билан боғлиқ бўлиб, унда Ҳаворий янги аҳдадаги жамоатга қуйидаги сўзлар билан мурожаат қилади: «Олган таълимotingизга мувофиқ, Унда томир ёйиб, қарор топинг, иймонингизда қаттиқ турунг, шу йўлда ривожланиб бориб, Худога шукроналар тилингиздан тушмасин».

2:7 туркумнинг асл мақсади нимадан иборат? Муқаддас Рух Ҳаворий Павлус орқали Колосаликларга мактубнинг 2:7 ояти орқали мазкур таълимнинг мақсадларини жуда аниқ ифодалайди:

**1. Ёш масихийни Раббимиз Исо Масихда томир ёйдириш ва уни иймонда мустаҳкамлаш.** Мазкур босқичлар туркуми Муқаддас Китобни амалий ўрганиш усуллари, Унинг оятларини ёд олиш кўникмаларини шакллантириш, ибодат ва Худо билан мулоқот бўйича машғулотларни ўз ичига олади. Шогирдлар, инсонлар уларнинг сўзларига қулоқ

тутишлари учун қай тарика хушxabарни етказишни ўрганиб оладилар.

**2. Масихийни унинг бутун кундалик ҳаётидаги барча нарсалар учун Худога шукрона келтиришга ўргатиш.** Туркум сабоқлари ҳар биримизга масихийлик ҳаётида қатъиятли ва изчил бўлишга ёрдам беради.

**3. Масихийни ўстириш.** Бу ерда ўстириш деганда, инсонни ибрати билан муҳитидаги кишиларга ижобий таъсир кўрсатувчи масихий жамоаси азоларга айланттириш кўзда тутилган.

Ушбу 2:7 туркуми қандай натижалар берди? Шу туркумни ўтаганлардан кўпчилиги руҳан шунчалик ўсдиларки, ўз жамоатига масъулиятлроқ ва сермахсул хизмат қилишга қодир бўлдилар. Жамоат азолари руҳан ўсиб-улғайганлари ва ўз ҳаётида Худо билан қарор топганлари сабабли, кўп эр-хотинлар ва болалик оилалар руҳий ёрдам олдилар. Ушбу босқични тугатган руҳан қарор топган масихийлар бошқаларга Масихда ўсиб-улғайишда янада яхшироқ ёрдам бериш қобилиятига эга бўлдилар, шунингдек, Масихга келмаган одамларга ёндошувни топишга ўргандилар.

## УМУМИЙ МУЛОҲАЗАЛАР.

1. 2:7 туркумидаги олти босқичнинг ҳар бири 12 та дарсдан иборат.

2. Ҳар бир ўқувчига етарлича диққат-эътибор бериш учун машғулот олиб бориладиган гуруҳдагилар сони 8 тадан ошмаслиги керак. Кам сонли аъзолар билан ўтказиладиган машғулотлар дўстона ва расмий бўлмаган шароитни яратишга жуда қулайдир (баъзи бир гуруҳларда 10 та шогирд бўлиши мумкин).

3. Иложи бўлса, 2-машғулотдан сўнг гуруҳингизга янги ўқувчилар олманг.

4. Мазкур босқични мувофақият билан тугатиш учун дарсларда қўйилган баъзи талабларни бажаришингиз лозим. Бу қийин эмас, фақат уларга сиз жиддийроқ ёндошсангиз бас. Кимдир шу босқични тугатади, кимдир бунга эриша олмайди. Имкон қадар уни тугатишга ҳаракат қилинг.

5. Ёдингизда тутинг, бирон қимматга эга ҳар бир нарса маълум куч-ҳаракатни талаб этади.

6. Ҳар бир дарсга тайёргарлик тахминан бир соат вақт олади. Айрим дарслар икки соат тайёрланишингизни талаб қилади.
7. Уй вазифасини вақтида тайёрлаб келсангиз, таълимдан кўпроқ қониқасиз ва фойда оласиз.
8. Иккитадан ортиқ машғулоти қолдириш мақбул эмас, чунки бошқаларнинг изидан етиб олиш осон бўлмайди.
9. Бу туркум маъруза (лекция) шаклида тузилган эмас. Ҳар бир ўқувчининг ҳар бир машғулотида бевосита иштирок этишига имконияти бўлади.

## ҚЎЛЛАНМАНИ ЎРГАНИШ БЎЙИЧА КУНДАЛИК

Бу босқичнинг вазифаларини қандай уддалаётганингизни билишингиз учун гуруҳингиздаги ўртоқларингиздан ўзингизни текшириб кўришларини илтимос қилинг. Улар ҳар бир бўлимда текширган вақтини ва имзосини қўйишсин.

<b>МУҚАДДАС ЁЗУВНИ ЁД ОЛИШ</b>	Имзо	Сана
«Масих билан бошлаш» бўлимига оятлар		
«Нажот топишга ишонч ҳосил бўлиши» - 1-Юҳанно 5:11 - 12		
«Ибодатга жавоб келишига ишонч ҳосил бўлиши»- Юҳанно 16:24		
«Гуноҳ устидан ғалаба қозонганга ишонч ҳосил бўлиши» - 1-Коринфликларга 10:13		
«Мағфиратга ишонч ҳосил бўлиши» - 1-Юҳанно 1: 9		
«Худо йўл кўрсатишига ишонч ҳосил бўлиши»- Ҳикматлар 3:5-6		
«Масих билан бошлаш» бўлимидаги ҳамма оятларни билиш		
«Масих билан бошлаш» бўлимидаги ҳамма оятларни 14 кун мобайнида такрорлаш		
17-18 бетларда текширувни якунлаш		

## ХУДО БИЛАН ЯККА ҚОЛИШ ВАҚТИ

«Муқаддас Китобни ўқиганда ёзув кундалиги»даги дастлабки 14 кун ёзиб тугатиш		
--	--	--

## МУҚАДДАС КИТОБНИ ЎРГАНИШ БЎЙИЧА ҚЎЛЛАНМА: «Сенинг Масихдаги ҳаётинг»

1 Боб - «Худо сенга ғамхўрлик қилади»		
2 Боб - «Исо Масихнинг шахси»		
3 Боб - «Исо Масихнинг ерга келишидан мақсади»		
4 Боб - «Рух сенинг қалбингда»		

## МАҚОЛАНИ ЎРГАНИШ

«Шошилинич ишлар юки остида»		
23 - бетда муҳокамани якунлаш		

## БОШҚА ВАЗИФАЛАР

45 бетдаги «Ғилдирак» тасвирига баҳо беришни якунлаш		
47-48 бетлардаги Муқаддас Китобдаги оятларни ёд олишнинг муҳимлиги хусусидаги баҳо беришни якунлаш		

## РАҲБАР ГУРУҲНИ ТЕКШИРИШИ

«Муқаддас Китобни ўқиганда ёзиш кундалиги» даги 5 та ёзув		
Биринчи босқични мувофақиятли тугаллаш		

# 1-ЧИ МАШҒУЛОТ

## *Машиғулотнинг тузилиши*

1. Гуруҳдаги дўстларингиз билан танишиб олинг.
2. «Бу туркум қандай юзага келди» бўлимини тўлиқ ўқиб чиқинг (3 бет)
3. «Сенинг Масихдаги ҳаётинг» бўлимини кўриб чиқинг (49-66 бетлар), мазкур босқичда сиз Муқаддас Китобни айна шу бўлим бўйича ўрганасизлар; бу бўлимнинг кириш қисмини овоз чиқариб ўқинг (49 бет).
4. Муқаддас Китобни ўқиш қизиқарлироқ бўлиши учун қуйидаги бўлимларни ўрганиб чиқинг:
  - а) «Муқаддас Китобни ўқиганда қандай белгилар қўйиб борилади» (6-7 бетлар)
  - б) «Муқаддас Китобни қаеридан бошлаб ўқиш керак» (7 бет).
5. Ўқиш давомида белгилар қўйиш бўйича машқни бажаринг (7 бет)
6. «Масих билан бошлаш» бўлимидаги талабларни ва сиз ёдлаб олишингиз керак бўлган Муқаддас китобдаги бешта оятларни кўриб чиқинг (9-11 бет).
7. «Оятларни ёдлаш услуби» бўлимини ўқиб чиқинг (12-13 бет)
8. 2 - машғулот учун вазифани ўқиб чиқинг (14 бет).
9. Машғулотни ибодат билан якунланг.

## *Муқаддас Китобни ўқиганда қандай белгилар қўйиб борилади*

Белги қўйишда сиз Муқаддас Китобнинг қоғоз муқовадаги махсус нусхасидан фойдаланишингиз мумкин. Юпқа қоғозда ёзиш учун ҳар қандай фломастер ярайвермайди, шу сабабдан Муқаддас Китобда белги қўйиш учун қалам ёки ручка ишлатишингиз маъқул. Улар билан Муқаддас Китобда қуйидаги белгиларни қўйишингиз мумкин:

1. Оятларни тўртбурчак қавс ичига олиш - [ ]
2. Мухим фикрни бошланишини қисқа диагонал чизиқ билан белгилаш - \
3. Кўш диагонал чизиқ билан ўта муҳим оятни белгилаш - //
4. Мухим сўзни доирачага олиш - ○ -
5. Ҳошияларда вертикал чизиқлар ёрдамида белги қўйиш - |
6. Сўз ёки сўз бирикмаларини тагига чизиш \_\_\_\_\_

Сиз белгининг барча турларидан фойдаланишингиз, улардан бир - иккитасини танлаб олишингиз, шунингдек, ўзингиз учун бошқа белгилар ўйлаб топишингиз мумкин.

Қуйида мисол тариқасида Муқаддас Китобнинг 3-та жойидан парчалар олиниб, қай тариқа белгилар қўйиш кўрсатилган:

## **ЗАБУР 22-сано**

/ Худованд- чўпоним менинг, / Мен муҳтожлик кўрмайман асло.

У мени ям-яшил яйловларда ётқизар, Оромбахш сувлар бўйлаб етаклаб борар,

Жонимга У тетиклик киритар, \ Ўз номи учун мени тўғри йўлга бошлар.

Ўлим водийси зулматида юрсам ҳам, Дахшатлардан мен кўркмайман.

Чунки Сен менга ҳамроҳдирсан. Ўз хассангу хивичинг менга тасалли берар.

Ёвнинг кўз ўнгида менга дастурхон тузагансан, Хушбўй мой ила мойлагансан

бошимни, Лим-лим тўлдиргансан косамни. Умрим бўйи хайру иноят изимдан юрар.

Бор кунларим Худованднинг уйида ўтар.

## **1 Салоникаликларга 1:1-7**

Отамиз Худо ва раббимиз Исо Масих уммати бўлган Салоника шахридаги иймонлилар жамоасига Павлус, Силван ва Тимутийдан салом! Отамиз Худодан ва Раббимиз Исо Масихдан сизларга иноят ва тинчлик бўлсин.

Ибодатларимизда тинмай сизларни хотирлаб, ҳаммаларингиз учун Худога шукур қиламиз. Чунки сизлар иймон билан иш қилиб, муҳаббат билан захмат чекасиз. [Фақат Раббимиз Исо Масихга умид боғлаб, У туфайли сабр-тоқат қиласизлар]. Шунинг учун Отамиз Худо хузурида сизларни эслаб турамыз. Эй биродарлар, Худо сизларни севиб, танлаганларини биламиз. Биз Инжил Хушхабарини сизларга курук сўз билан эмас, балки қудрат билан Муқаддас Рух кучи билан, тўла ишонтириш кучи билан хабарлаб келдик. Биз орангизда бўлганимизда қандай намунали турмуш кечирганимизни ўзларингиз биласизлар. Шундай қилиб, сизлар кўп қайғуда бўлсангиз ҳам, Муқаддас Рухдан илҳом олиб, ўзингизда севинч ҳосил қилдингизлар, Худонинг каломини қабул этиб, бизга ҳам, Раббимизга ҳам эргашдингизлар. Македония ва Ахая ўлкаларидаги бутун иймонлиларга ўрнак бўлиб қолдингизлар.

### ***Муқаддас Китобни қаеридан бошлаб ўқиш керак***

1. Агар сиз Муқаддас Китобни илк бора ўқишга киришган бўлсангиз, Янги Ахд китобларидан бошлаганингиз маъқул. (Баъзиларга Матто ёзган Хушхабар қийинроқ туюлиши мумкин, шунинг учун Марк ёки Юҳанно ёзган Хушхабардан бошланг).
2. Бир китобни охиригача ўқиб бўлмасдан, бошқасига ўтманг.
3. Муқаддас Китобнинг энг қийин қисми Левит ва Ваҳий китоблари бўлса керак. Шу сабабли, токи 1 - босқич тугамагунча у китобларни ўқимай туришингиз мумкин.
4. Тўртала Хушхабарни бирин-кетин ўқитишингизни тавсия этмаймиз. Яхшиси битта Хушхабардан кейин бошқа китобни ўқинг, шундай қилиб навбатлаб ўқинг.
5. Қадимги Ахд китобларига ўтишга тайёр эканлигингизни сезган бўлсангиз, қуйидаги китоблардан бошлаган маъқул: Ёшуа, 1-2-3-4 Шоҳлар, Ибтидо, Дониёр. Мазкур китоблардаги тушуниш қийин туюлган жойларни фақат ўқиб кетинг.

### ***Белгилаб ўқиш учун машқ***

1. Аввало ибодат қилиб, Худодан сизга Ўз Каломи орқали гапиришини сўранг.
2. Танланган парчани ҳамма жойини тушунишга ҳаракат қилинг.
3. Сизда таассурот қолдирган фикрлар ҳақида ўйланг. Ўқиб бўлгач ким биландир фикрларингизни бўлишинг.

## **РИМЛИКЛАРГА МАКТУБ 12**

Шундай қилиб, эй биродарларим, Худонинг марҳамати ҳақи сизларга ёлвораман: Худога оқилона хизмат қила олишингиз учун вужудингизни тирик, муқаддас, Худога манзур бўла оладиган қурбон қилиб бағишланглар. Бу дунёга уйғунлашманглар. Худонинг манзур, яхши комил иродасини нима эканини фаҳхламоқ учун фикрингизни янгилаш орқали тубдан ўзгаринглар. Менга берилган иноятдан фойдаланиб, сизларнинг ҳар бирингизга шуни айтяпман: ҳаддингиздан ошиб ўзингизга бино қўйманглар. Лекин Худо ҳар бир кишига қанча иймон берган бўлса, шунга кўра фикр қилиб ақли расо одам бўлинглар. Баданимиз бир бўлса-да, узвлар кўп, узвларнинг вазифаси эса бир хил эмас. Шунга ўхшаб биз кўп киши бўлсак ҳам, Масих вужудида бирлашганмиз ва бир баданни ташкил этамиз, ҳар биримизалоҳида-алоҳида бўлиб, бир-биримиз учун узвдирмиз.

Худонинг иноят қилгани бўйича, биз ундан ҳар хил инъомлар олганмиз. Бировнинг инъоми башоратгўйлик бўлса, ўз ишонч-эътиқодига мувофиқ башорат қилсин. Агар хизмат инъоми бўлса, хизмат қилсин; агар муаллимлик инъоми бўлса, таълим берсин. Ким насиҳатгўй бўлса, панд-насихат берсин. Ким эҳсон берувчи бўлса, чин кўнгилдан берсин. Ким бошлиқ бўлса, ғайрат билан бошчилик қилсин. Ким меҳрибончилик қилса, хурсандлик билан қилсин. Севгингиз риёсиз бўлсин.

Ёмонликлардан нафрат қилиб, яхшиликларга чирмашиб олинглар. Бир-бирингизни биродарларча самимий севинглар. Бир-бирингизни иззат-хурмат қилишга ўзишгандай ҳаракат қилинглар. Ғайратингизни сусайтирманглар. Оташин Рух билан Раббингизга хизмат қилинглар. Умидворлик билан хурсанд бўлиб юринглар. Қайғуда сабрли, тоат-ибодатда саботли бўлинглар. Иймонлиларнинг эҳтиёжларини таъминлашда иштирок этинглар. Меҳмондўст бўлишда жон куйдириглар. Сизларни қувғин қилаётганларни дуо қилинглар, ҳа, дуо қилинглар, қарғаманглар. Севинаётганлар билан севининглар, йиғлаётганлар билан бирга йиғланглар. Ўзаро ҳамфикр бўлинглар. Такаббурлик қилмай, мулойим одамлар билан дўст бўлинглар. Ўзбилармонлик қилманглар.

Ҳеч кимга ёмонлик эвазига ёмонлик қайтарманглар. Барча одамларнинг кўзи олдида яхшилик қилишга интилинглар. Агар иложи бўлса, қўлингиздан келганича, барча одамлар билан тинч - тотув ҳаёт кечиринглар. Эй севиклиларим, ўзингиз учун қасос олманглар, балки Худонинг ғазабига йўл қўйинглар. Зеро *Тавротда* шундай ёзилган:

*«Қасос менинг қўлимда, Жазосини Мен бераман - дейди Худованд»*

Аксинча: «Агар душманинг оч қолган бўлса, уни тўйғизгил, Агар чанқаган бўлса, унга сув ичиргил. Мана шунда унинг бошида ёнаётган чўғлар йиғгандай бўлурсан». Ёмонликка мағлуб бўлма, ёмонликни яхшилик билан мағлуб қилгин.

---

## **Масих билан бошлаш:**

### **Тушунча**

Исо Масих деди: *«Мана, Мен эшик олдида туриб, тақиллатяпман. Кимда - ким овозимни эшитиб эшикни очса, Мен унинг ёнига кираман; Мен у билан, у Мен билан кечки овқатни баҳам кўрамиз»* (Вахий 3:20).

Муқаддас Китобда биз ўқийдиган оят айнан шу ажойиб ҳақиқат чақириғи билан боғлиқ: *«Уни қабул қилганларга эса, барча Уни номига иймон келтирганларга У Худонинг фарзанди бўлиш иқтидорини беради»* (Юҳанно 1:12)

Агар сиз Исо Масихни - Худонинг Ўғлини, ўз нажоткорим деб қабул қилган бўлсангиз, Худонинг Қаломида ёзилганидек, энди сиз Худонинг фарзанди бўлдингиз ва Масих сизда яшамокда. Кўп кишилар ўзларига берилган Нажотнинг бор-йўқлигини ўз ҳис-туйғулари билан ўлчамокчи бўладилар. Сиз бу фожеали хатони такрорламанг. Сиз Худога ишонинг. Муқаддас Китобдан яна бир тасдиқ: *«Мен буларни сизлар абадий ҳаётга эғалингизни билинглар, деб ёздим. Чунки сизлар Худонинг Угли номига*

*иймон келтиргансизлар»* (1 -Юҳанно 5:13 )

Сиз Масихни қабул қилган пайтда олган ютуқларингиз ҳақида бир неча саҳифаларда ёзишнинг иложи йўқ. Аммо биласизми, бадавлат оилада ва яхши ота-оналардан чақалоқ туғилган вақтда, улар яхши ака-опаларга, уй ва ерга меросхўр бўлиши мумкин. Лекин бу ҳақда унга шу захоти тушунтиришнинг ҳожати йўқ. Энг аввало, биринчи навбатда қилиниши зарур бўлган нарсалар ҳақида қайғуриш керак. Янги туғилган чақалоқ жуда кўп душманлар бўлган дунёда туғилади, шунинг учун у химояга мухтож бўлади. Тиббиёт ходимларининг қўлида стерил қўлқоплар, чақалоқ туғилган вақтда унга ҳужум қилишга тайёр бўлиб турган микроб ва бактерияларни қурбони бўлмаслиги учун, ёнига бегоналар киришини тақиқлайдилар. Шифохонада врач ва ҳамширалар микроб ва бактериялар мавжудлигини билганлари учун, янги туғилган қимматбаҳо ҳаётни мана шу душманлардан химоя қилишга қодир бўладилар.

Худди шу каби, сиз ҳам энди иккинчи марта, руҳан - Худонинг фарзанди бўлиб туғилдингиз ва бу ҳар



бирингизнинг ҳаётингизда ўта муҳим пайтдир. Шу сабабдан биз сизга шайтоннинг ҳужумларидан сақланиш ва келажак курашлар олдидан қувват бериш учун бир нечта ҳақиқатлар билан бўлишмоқчимиз. 1-Бутрус 2:2 да шундай дейилган: «Янги туғилган чакалоқ соф она сутини тусагандай, Худонинг каломини орзу қилинглари, токи у калом билан озиқланиб, ўсиб бориб, нажотга эришинглари.

Ҳаворийларга 20:32 да эса шундай деб битилган: «Энди биродарларим, сизларни Худонинг паноҳига ва унинг иноятли каломига топшираман. Бу калом сизларни мустаҳкамлашга... қодирдир». Энди Худонинг Каломи сиз учун руҳий овқат - ноз-неъмат бўлиб хизмат қилади ва иймонда ўсишингизда сизга ёрдам беради. Албатта, сизда Муқаддас Китоб ёки ҳеч бўлмаганда Янги Аҳд (Инжил) китоби бўлса керак. Агар йўқ бўлса, сотиб олинг ва ҳар куни ўқинг. Энг яхшиси бирон аниқ вақтни белгилаб (тонг пайти мақбулроқ) ҳар куни ибодат ва Худони Каломини ўқиш билан машғул булинг.

Энди эса, келинг, қандай қилиб Худонинг Каломини қабул қилишни ўргансак Забурнинг 118-саносида ўқиймиз: «Йигит ўз йулини қандай қилиб соф сақлар? - Сенинг каломинг билан юрса бу бўлар» (9-чи оят); кейин эса, Довуд Худовандга мурожаат қилиб, деди: «Мен Сени чин кўнгилдан қидиряпман, амрларингдан бош тортишимга йул қуйма!» (10-чи оят). Худди шу каби сизга ҳам маслаҳатимиз шу: Худонинг Каломини қалбингизга жо қилинг ва ёд олинг. Оятларни ёд олишни бошлашингиз учун, биз Муқаддас Китобдан олинган 5 та муҳим парчани ушбу босқич дастурига киргиздик.

Шу ергача биз руҳий озуқа ҳақида гапириб бердик. Энди эса қисқача қилиб сизнинг янги душманингиз (у билан албатта тўқнашасиз) ҳақида гаплашсак. Исо

Масихга иймонга келгунингизгача қадар, шайтон сизни унчалик безовта қилмаган бўлиши мумкин, аммо энди сиз Худо томонга қадам босдингиз ва бу шайтоннинг ғазабини уйғотади. Сиз шайтон ҳокимияти остида юрган кишилардан ажралиб, Худонинг ўзига ва Унга суянган кишилар сафига кирдингиз. Бундан буён шайтонда сизнинг устингиздан ҳукм йўқ; энди сиз хочда қимматбаҳо қонини тукиб сиз учун тўлов берган Исога тегишлисиз. Шунинг учун билингларики, шайтон сизга қарши қайта-қайта ҳужум қилишни давом этади. Унинг ҳужумлари ҳар ҳил бўлади, лекин ҳозир биз шайтоннинг энг кўп ишлатадиган мақрларини ва сиз уларни қандай қилиб енгишингиз мумкинлиги ҳақида гапириб ўтамиз.

Биз шайтонни фақат Худо томонидан бизга ато этилган қурол билан енгишимиз мумкин. Павлус бундай дейди: «Шунингдек .. Худонинг каломи бўлган руҳий қилични кўтаринглари» (Эфес. 6:17). Калом - фақат руҳий қилич эмас, балки қалқон ҳамдир, чунки айнан У орқали бизга иймон келади ва бизни душмандан асрайди. (Римликларга 10:17; Эфесликларга 6:16). Демак, Худонинг Каломи биз учун ҳимояланиш учун қалқон ва шу билан бирга, ҳужум қуроли бўлиб ҳам хизмат қилади.

Масалан, эслайлик, шайтон Раббимизни 3 марта васвасага солмоқчи бўлганда, Исо ҳар сафар Муқаддас китобга мурожаат қилиб: «Ёзилганки... » деб ғалаба қозонди (Матто 4-оятга қаранг). Агар Исо Масихнинг Ўзи шайтонни енгишда шу қуролдан фойдаланишни зарур деб ҳисоблаган бўлса, унда биз қанчалик ушбу қудратли қурол - Худонинг Каломига муҳтож эканмиз? Шайтонни енгиш учун қанчалик биз «Ёзилганки.. » ёки «Худованд бундай дейди» дея олишга тайёр туришимиз керак.

#### 1. НАЖОТ ТОПГАНГА ИШОНЧ ҲОСИЛ БЎЛИШИ.

Ушбу босқич дастурига Мукаддас Китобдан олиб киргизилган 5 та оят сизларни душманингиз билан биринчи учрашувга тайёр бўлишга ёрдам беради. Шайтоннинг биринчи ҳамласи кўпинча Худо қалбингизда содир этган ўзгартиришга сизни шубҳалантириш учун йуналтирилган. Унинг овозини эшитмасангиз ҳам сизнинг қулоғингизга шивирлайди: «Сен Исога ишониб Уни қабул қилганим учун нажот ва кечирим топдим, деб ўйламай қуя қол. Бу ҳали етарли эмас!». Бундай хужумга туриб беришга ягона ишонч - Худонинг Каломига мурожаатдир. Биз учун энг муҳими - бу тўғрисида Худонинг нима дейишидир. Шундай қилиб, сиз ёдлашингиз керак бўлган дастлабки оят: (Нажот топганга ишонч ҳосил бўлиш, 1-Юҳанно 5:11-12) «Худонинг гувоҳлиги шундан иборатки, Худо бизларга абадий ҳаёт берди. Бу ҳаёт эса Унинг Ўғлида мужассамдир. Ким Худонинг Ўғлига эга бўлса, ҳаётга эгадир. Ким Худонинг ўғлига эга бўлмаса, ҳаётга эга эмас».

Агар бу сўзлар қалб китобингизга битилиб, яқин кунлар ичида ҳар сафар шубҳа пайдо бўлганда сиз уларга мурожаат эта олсангиз; ёзилган Худонинг Каломига асосан сизда Раббимиз Исо Масих борлигига, У орқали сиз абадий ҳаётга эга эканлигингизга тўлиқ ишонч ҳосил қилган бўлсангиз, ил синовлардан бирида ғалаба нақд. У қайта-қайта хужум қилиши мумкин, аммо энди сиз қалбингизда қарор топган Худонинг Каломи хужумни қайтаришга кодирсиз!

## 2. ИБОДАТГА ЖАВОБ КЕЛИШИГА ИШОНЧ ҲОСИЛ БЎЛИШИ

Кейинги сафар шайтон сизга ибодат тўғрисида васвасага солиши мумкин. Балки у сизга: «Наҳотки Худо шахсан сен билан қизиқади деб уйласанг? У ахир шунчалик олис ва муҳимроқ ишлар билан банд-ку. У

сенинг дуоларингни эшитади деб ўйлайсанми? Илтижоларга жавоб бериши ҳақида ўйлаш эса умуман кулгули!» деб шивирлагандир?

Исо Масих энди сизнинг шахсий Нажоткорингиз ва Раббингиздир. У орқали сиз Самодаги Отамиз билан мулоқотда бўлишдек махсус имтиёзга эгасиз. Сизнинг қандай яшаётганингиз Худо учун барибир эмас. Худо сизни ўзига иккиланмай мурожаат қилишингизни (Ибронийларга 4:16) ва Унга юрагингизда борини тўкиб солишингизни (Филиппиликларга 4:6) хоҳлайди. Сиз ёдлаб олишингиз керак бўлган иккинчи оят: «Ҳозиргача Менинг номимдан Отадан Бирон нарса сўрамадингизлар. Сўранглар, эришасизлар ва қувончингиз камол топади» (Юҳанно 16:24).

Эътибор беринг: Исо шогирдларига «Сизлар умуман ҳеч нарса сўрамагансизлар» деяётгани йўқ. Албатта улар сўраган. Сиз ҳам Худодан кўп марта (айниқса қийин пайтларда) ҳар нарсани сўраган бўлсангиз керак. Лекин энди сиз Ҳазратимиз Исо орқали сўрай оласиз, чунки сиз Унга тегишлисиз! Унинг номидан сўраш деган сўз, Унинг ҳокимияти ва хизматларига таяниб сўраш дегандир. Ота Исонинг ҳар бир ибодатларига жавоб берганидек, сиз ҳам Исо Масих номи билан сўрасангиз, Худо сизга ҳам жавоб беради. Худо сизга ёрдам беришдан ва илтимосларингизни кондиришдан жуда хурсанд бўлади. Шунинг учун Худонинг берган Ушбу ваъдасини эсдан чиқарманглар ва ҳаётингизда қўлланглар, ибодатларингизга жавоблар олиб хурсандчилик билан ҳаёт кечиринглар.

## 3. ГУНОҲ УСТИДАН ҒАЛАБА ҚОЗОНГАНГА ИШОНЧ ҲОСИЛ БЎЛИШИ

Шайтон масҳара қилиб яна сизга хужум қилиши мумкин: «Майли, сенга ҳаёт берилган, нима бўпти; барибир

иродасиз латтасанку, ҳар доим ҳам шунақа эдинг».

У сизга кўп йиллар мобайнида чангалларидан озод бўлаолмай юрган гуноҳларингизни эсингизга солиши мумкин. Ўзингизга яхши маълум бўлган гуноҳингизни кўрсатади: «Бу васвасага қарши туришга сен ожизсан. Ҳа, балки бошқа гуноҳларни енгиб чиқарсан, аммо бунисидан барибир қутула олмайсан» деб шивирлайди.

Унга қандай жавоб бериш керак? Ўз ақлингизга суянасизми? Фалончи ёки пистончи айтган сўзларни эшлагга тутинасизми? Ёки ҳеч қандай енгилмас бўлган Худонинг Каломига суянасизми? Шунга ухшаган шайтоннинг васвасларини енгиш учун 3-оятни сизларга кўрсатаямиз: «Бошингизга оддий инсоний васвасадан бошқа васваса келмаган. Худо эса содиқдир, У кучингиздан ортиқ васвасага тушишингизга йул қуймайди, лекин васваса билан бирга тоқат қилишингиз учун иложини ҳам беради» (1-Коринфликларга 10:13).

Бу ерда сизга васвасалар устидан ғалаба қозонишингизга ишонч берилмоқда. Бу ғалаба тўғрисида Худонинг ўзи ваъда берапти. Ғалаба сизники, негаки сиз Худонинг фарзандисиз. Агар бунга ишонсангиз, шунда сиз иложсиз вазиятлар инсонлар учун мавжудлигини, Худонинг эса барча нарсага иложи борлигига амин бўласиз. Тангрининг қуввати остида инсонларга хос одатларнинг оғир занжирлари осонгина парчаланиб кетишига гувоҳ бўласиз. Мана шу оятни ҳам ёдлаб олинг; уни қалбингизга битиб қуйинг.

#### 4. МАҒФИРАТГА ИШОНЧ ҲОСИЛ БЎЛИШИ

Аммо шайтон ҳали сизни эсидан чиқаргани йук. Ғалаба сизда бўлса ҳам, пайти келиб, хушёрлигингизни йуқотишингиз ва гуноҳ қилиб қуйишингиз мумкин. Ўша заҳотиёқ душманингиз олдингизда ҳозир-нозир:

«Сен нима қилиб қуйдинг. Сен ўзингни яна иймонли деб юрибсан! Масихийлар ҳеч қачон бундай иш қилишмайди».

Ваҳоланки, Худо ўз Каломига башорат қилиб айтган: Унинг фарзандлари йўлдан тойиб, йиқилади; бу ҳолатда мағфиратга ишонч тўғрисида сиз ёдлашингиз керак бўлган 4-оятда ёзилган: «Агар гуноҳларимизни эътироф этсак, Худо гуноҳларимиздан ўтади ва бизни ҳар турли ноҳақликлардан фориг қилади. Чунки У Ўз сўзида содиқ ва адолатлидир» (1-Юҳанно 1:9).

Гуноҳни эътироф этиш - бунинг маъноси гуноҳингизни отини айтиб тавба қилиш, гуноҳга Худонинг нуқтаи-назаридан қараш деганидир. Ҳақиқий иқроф бўлиш - гуноҳдан воз кечиш истагидан далолат беради (Ҳикматлар 28:13). Худо нафақат бизни кечиришини эмас, балки софлашни ҳам ваъда берапти. Унинг бизга бағри кенг!

#### 5. ХУДО ЙЎЛ КЎРСАТИШИГА ИШОНЧ ҲОСИЛ БЎЛИШИ

Юқоридаги Муқаддас Китобдан олинган 4 та оят шайтоннинг хужумларига қарши чиқиш учун берилган эди. Сиз ёдлашингиз керак бўлган 5-оятнинг мақсади бошқароқ.

У сизнинг келажак тўғрисидаги «Янги ҳаётда мени нима кутяпти? Менинг ҳаётимда Худонинг хоҳиши қандай? Ҳақиқатдан ҳам Унинг Ўзи мени етаклайдими?» деган саволларингизга жавоб беради. Демак, мазкур оятлар сизда Худо йўл кўрсатишига ишонч ҳосил қилади:

«Уз ақл-идроқингга суянма, бутун қалбинг билан Эгамизга ишон. Ҳар ишингда Эгамизни эътироф эт, шунда У йулларингни тўғрилайди». (Ҳикматлар 3:5-6).

Худо, агар унга тўлиқ суянсангиз, йулларингизни тўғрилашга ваъда берапти. Бу оятларни ёд олинг ва кундалик ҳаётингизда уларга мурожаат қилинг, шунда сиз албатта Унинг ёрдам қўлини сезасиз.

\*\*\*

Ушбу оятларни ёд олишингиз учун қуйидаги услубни таклиф этамиз: Биринчи оятдан бошланглар, 1 Юҳанно 5:11-12. Бу оятни маъносини тўла тушуниб олишингиз учун бир неча марта қайта-қайта ўқиб чиқинг. Сўнгра уни ташкил топган бўлақлар(иборалар)га бўлинг. Энг олдин мавзуси билан Муқаддас Китобда ўрин олган жойини (ҳаволасини) ёдлаб олинг. Ёдлаб олганингиздан кейин, аввал биринчи иборани, сўнг иккинчисини ва ҳ. ёдлашга ўтинг. Муқаддас Китобдан оят ёдлаётганда ҳар сафар ҳаволасини, оятни ва охирида яна ҳаволасини қайтаришга ҳаракат қилинг. Такрорлаганда икки марта ҳаволасини қайтарсангиз, у ёки бу парча Муқаддас Китобнинг қаерида жойлашганини эслаб қийналмайсиз.

1-чи оятни яхшилаб ёд олгач, иккинчисига киришинг; уни ҳам шу

усул билан ёдланг, сўнг биринчисини такрорланг. Иккаласини тутилмасдан айтиб бера оладиган бўлиб, учинчисига ўтинг. Учовини мустақкам ёдлаб олганингиздан тўртинчисига киришинг ва ҳ.

Ҳамма оятларни эркин билишнинг сири - уларни ҳар доим қайта-қайта такрорлашдир. Шунинг учун ҳар куни бошқа оятларни ёдлаётганингизда ҳам, аввалги оятларни қайтариб туринг. Бунинг учун кичкина варвқчаларга оятларни ёзиб, чунтакигизда ёки сумкангизда олиб юриб, ҳар доим такрорласангиз, сизга жуда ёрдам беради. Ушбу оятларни ёдлаб олиб, ҳаётингизда қўллашга ўрганганингиздан кейин, юрагингизда жо бўлган Худонинг Каломидан таралқаетган куч ва ва марҳаматни сеза бошлайсиз.

### **Оят қай тарика яхши ёдланади**

«Масих билан бошлаш» бўлимидаги оятларни ёдлашга киришиб, уларни бир неча марта овоз чиқариб ўқинг. Ҳар бир такрорлаганда, олдин мавзуни, ҳаволани, кейин оят, ундан кейин Яна ҳаволани такрорланг. Оятни маъносини қамраб олишга ҳаракат қилинг. (8-12 бетдаги «Масих билан бошлаш» бўлимига доир тушунтиришда сиз ёдлаб олишингиз керак бўлган оятларнинг маъноси айтиб ўтилганига эътибор беринг).

### **МУҚАДДАС КИТОБДАГИ ОЯТЛАРНИ ЁДЛАШГА ДОИР МАСЛАҲАТЛАР**

1. Иложи булса (шароит йул берса) оятларни овоз чиқариб ўқиб ёдланг.
2. Ҳар доим аввало оятнинг мавзусини ва ҳаволани ёд олинг.
3. Мавзуси билан ҳаволани ёдлаб олгач, унга оятни биринчи бўлагини қўшиб ёдланг.
4. Оятни биринчи бўлагини, мавзусини ва ҳаволани бир неча марта такрорлагандан кейин, иккинчи бўлагига ўтинг. Аста-секин тўлиқ бир оятни ёдлаб олмагунингизгача, кейинги бўлақларини қўшиб боринг.
5. Оятни ёдлаганда ва қайтарганда, ҳаётингизда уни қандай қўллашингиз ҳақида ўйлаб куринг.
6. Ҳамма вақт қуйидаги кўрсатилган кетма-келикда такрорланг:
  - а. МАВЗУ: «Нажот топганга ишонч ҳосил бўлиш»
  - б. ҲАВОЛА: «Юҳаннонинг биринчи мактуби, бешинчи боб, ўн биринчи ва ўн иккинчи оятлар»
  - в. ОЯТ/ЛАР/: «Худонинг гувоҳлиги шундан иборат-ки, Худо бизларга абадий Ҳаёт берди. Бу Ҳаёт эса Унинг Ўғлида мужассамдир. Ким Худонинг Ўғлига эга бўлса, ҳаётга эгадир. Ким Худонинг Ўғлига эга бўлмаса, ҳаётга эга эмас».

г. ҲАВОЛА: «Юҳаннонинг биринчи мактуби, бешинчи боб, ўн биринчи ва ўн иккинчи оятлар».

7. Оятни тўлиқ (мавзу, ҳавола, оят, ҳавола билан бирга) айтиб беришга қодир бўлганингиздан кейин, оятни дарҳол яна бир неча бор ТАКРОРЛАНГ. Ундан кейин ҳар куни, кун давомида ТАКРОРЛАБ туринг. Кейинчалик кунига бир марта такрорланг. Кўп одамлар, мен бирор нарсани ёдлаб олишим қийин, деб айтадилар. Ҳақиқатдан ҳам баъзи бир одамларнинг хотираси қисқа бўлади. Худо бизга эсдан чиқариш қобилиятини ҳам берган, нега деганда бу ҳаётда эсингиздан чиқариб юбориш керак бўлган нарсалар ҳам бўлади. Лекин шу билан бирга, эслаб қолиш қобилиятини ҳам берган, бу қобилият орқали ҳаётда бизга керак бўлган нарсаларни эслай оламиз. Бунинг учун биз хотирлашнинг асосий қоидаларига таянишимиз лозим. Булардан асосийси ТАКРОРЛАШ ҳисобланади. Оятни ёдлаб оласиз, кейин эсдан чиқиб кетади, яна ёдлаб оласиз, озгина эсдан чиқади ва яна ёдлайсиз. Лекин кейинги қайта-қайта ёдлаш жараёнига вақт камроқ кетади ва шу орқали сиз эсдан чиқармайдиган бўласиз.

Юқорида айтилганларни қуйидаги тасвирда тушунтиришга ҳаракат қиламиз:

ВАҚТ ОРАЛИҒИ (масалан, 10 дақиқа)

/ \_\_\_\_\_ /

/ \_\_\_\_\_ /

/ \_\_\_\_\_ /

/ \_\_\_\_\_ /

/ \_\_\_\_\_ /

/ \_\_\_\_\_ /

/ \_\_\_\_\_ /

Бу битта оятни мукамал ёдлаб олишингизга сарфланадиган вақт.

- Бир неча соат вақт ўтгандан кейин оят эсингиздан чиқиб кетади, уни қайта ёдлашингизга туғри келади, аммо бу сафар камроқ куч ва вақт сарфлайсиз.

- Сиз қисман унутасиз, аммо қайта ёдлаш учун сизга камроқ вақт талаб этилади.

- Сиз қисман нарсаларни унутасиз, аммо қайта ёдлаш учун сизга ундан ҳам кам вақт талаб этилади.

- Сиз қисман нарсаларни унутасиз, аммо қайта ёдлаш учун сизга анча кам вақт керак бўлади.

- Сиз қисман нарсаларни унутасиз, аммо қайта ёдлаш учун кетадиган вақт оралиғи тобора қисқаради.

- Сиз оятни осон ва ишонч билан айтишингиз мумкин.

ТУШУНТИРИШ

### Иккинчи машғулот учун вазифа.

**1. Ёзувни ёд олиш:** «Масих билан бошлаш» бўлимидаги тушунчани диққат билан ўқиб чиқинг, сиз ёдлашингиз керак бўлган бешта оятини тушуниб олинг ва 18-19 бетдаги қисқа текширувни бажаринг. «Нажот топганга ишонч ҳосил қилиши» мавзусидаги иккитта оятни ёдлаб олинг (1-Юҳанно 5:11 - 12)

**2. Муқаддас китобни ўқиш:** ҳар куни Муқаддас китобни ўқинг ва белгилар қўйинг.

**3. Муқаддас китобни урганиш буйича қўлланма:** «Худо сенга ғамхўрлик қилади» бўлимидаги 1-12 саволларига жавоб беринг, Муқаддас Китоб ўрганиш бўйича қўлланманинг биринчи бобига қаранг (50-53бетлар).

## 2-ЧИ МАШҒУЛОТ

### Машғулотнинг тузилиши

1. Бир бирингиз билан танишишни давом этинг.
2. Биринчи машғулотни яна бир бор куриб чиқинг.
3. Бу hafta ичида Муқаддас Китобдан ўқиш ва белгилаш чоғида келган фикрлар билан гуруҳингизда ўртоқлашинг.
4. Икки - уч кишидан иборат гуруҳларга бўлиниб, ёд олган оятларни биргаликда такрорланг.
5. Оятларни ёд олиш усуллари яна бир бор куриб чиқинг:
  - а. Оятларни овоз чиқариб такрорланг,
  - б. Такрорланувчи хатоларни белгиланг ва туғриланг,
  - в. Такрорлаш - ёдлашнинг сири. Оятларни ҳар куни такрорлаб туринг.
  - б. «Масих билан бошлаш» булимидеги қисқача текшируви натижаларини муҳокама қилинг (қуйида қаранг).
7. Муқаддас Китобни ўрганиш буйича Қўлланма, биринчи боб, «Худо сенга ғамхўрлик қилади» булимидаги 1 - 12 саволларни муҳокама қилинг (58-63 бетлар).
8. Учинчи машғулотга вазифани ўқиб чиқинг (19-20 бетлар)
9. Машғулотни ибодат билан тугатинг.

### Масих билан бошлаш: қисқача текширув

Олдинги машғулотда ўтганингиз «Масих билан бошлаш» булими саволларига жавоб беринг. (Бу саволларнинг кўпчилиги 12-15 бетда баён этилганларга тегишлидир).

1. 2:7 туркумининг биринчи босқичи мобайнида сиз ёдлаб олишингиз керак булган 5 мавзу ва ҳаволалари қуйидагилардир:

МАВЗУ

ҲАВОЛА

\_\_\_\_\_ ишонч ҳосил қилиш \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ ишонч ҳосил қилиш \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ ишонч ҳосил қилиш \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ ишонч ҳосил қилиш \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ ишонч ҳосил қилиш \_\_\_\_\_

2. Қайси оят «*Мана, мен эшик олдида туриб тақиллатаянман*» сузлари билан бошланади? (12-бет)

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

3. Сўзнинг қолдирилган жойини тўлдиринг (10-бет) «Кўп кишилар ўзларига берилган Нажотнинг бор йўқлигини ўлчамоқчи бўладилар».

4. Қолдирилган сўзларни ёзиб тулдиринг ( 1-Бутрус 2:2, Ҳаворийлар 20:32, 13-чи бет) «Энди

Худони Сўзи учун \_\_\_\_\_ хизмат қилади

ва \_\_\_\_\_ сизга ёрдам беради».

5. Довуд Забур саноларида шундай дейди: «Каломингни юрагимда сақлайман» (Забур 118:11). Сизнингча, бу нимани англатади? \_\_\_\_\_

6. Шайтоннинг васвасаларини енгиш учун Худо бизга қандай ишончли қурол берган? (Эфесликларга 6:17, 11 бет) \_\_\_\_\_

7. Исони шайтон васвасага туширмоқчи булганда, У нима деб жавоб беради? (11 бет) \_\_\_\_\_

### **3-чи машғулот учун вазифа.**

**1. Муқаддас ёзувни ёд олиш:** «Ибодатга жавоб келишига ишонч ҳосил қилиш» мавзусига оид оятни ёдлаб олинг - Юҳанно 16:24.

**2. Муқаддас китобни ўқиш:** Муқаддас китобни ўқишни ва белгилашни давом этинг.

**3. Муқаддас Китобни ўрганиш буйича қўлланма:** «Худо сенга ғамхўрлик қилади» бўлимини ўқиб чиқинг ва 13-17 саволларига жавоб беринг.

*Муқаддас Китобни ўрганиш буйича қўлланма, биринчи бобга қаранг (48-50 бет)*

**4. Бошқа вазифалар:** учинчи машғулотдаги Ч. Хаммелнинг «Шошилинич ишлар юки остида» мақоласини эътибор билан ўқиб чиқинг. Ўзингиз учун муҳим ҳисоблаган жойларингизни белгилаб қуйинг. 23 бетдаги 1-3 саволларга жавоб беринг («Шошилинич ишлар юки остида» мақоласини муҳокама қилишга қаранг).

## 3-ЧИ МАШҒУЛОТ

### МАШҒУЛОТНИНГ ТУЗИЛИШИ

1. «Қандай қилиб ёд олган оятларни биргаликда қайтариш» бўлимини ўқиб чиқинг (қуйига қаранг).
2. Икки-уч кишидан иборат гуруҳларга бўлиниб, қуйдаги мавзуларга оид оятларни биргаликда қайтаринг:
  - а) «Нажот топганга ишонч ҳосил бўлиши» - 1-Юҳанно 5:11-12.
  - б) «Ибодатга жавоб келишига ишонч ҳосил бўлиши» Юҳанно 16:24.
3. Бошқалар билан бутун ҳафта давомида Муқаддас Китобдан ўқиган ва белгилаган тушунчаларингиз билан ўртоқлашинг.
4. «Худо сенга ғамхўрлик қилади» бўлимидаги 13-17 саволларни муҳокама қилинг (Муқаддас Китобни ўрганиш бўйича қўлланма, 1 боб, 49-50 бетлар).
5. «Шошилиш ишлар юки остида» мақоласини муҳокама қилинг (17-23 бетлар).
6. «Ўқиш кундалигидан қандай қилиб фойдаланиш керак» мавзуси билан танишиб чиқинг.
7. 4-машғулот учун уйга вазифани ўқиб чиқинг.
8. Машғулотни ибодат билан яқунланг.

### Ёд олган оятларни биргаликда такрорлаш

1. Бехато такрорлайдиган оятларингиздан бошланг.
2. Гуруҳда қувноқ кайфиятни ўрната олинг. Биродарларингизнинг ютуқларини қувватлаш учун бор имкониятларингизни ишга солинг. Ёдингиздан чиқмасин: Ҳар бир кишига рағбат, далда, мактов ва ёрдам керак!

*«Якка бўлгандан кўра иккита бўлган яхшироқ; чунки уларнинг меҳнатига бунда мукофот бор. Агар бирови йиқилиб қолса, иккинчиси ўртогини тургизиб қўяди. Аммо йиқилганида тургизадиган шериги йўқ одамнинг холига вой» Воиз 4:9-10.*

3. Сиз кўзлаган мўлжал - оятларни сўзма-сўз ёдлашдир.
  - а. Агар сиз оятни ёддан айта олсангиз, бу бошқаларга ҳам ишонч бағишлайди ва бу билан сиз уларга ёрдам берган бўпасиз;
  - б. Сўзма-сўз ёдланган оятни эслаш ҳам осонроқ;
  - в. Агар оятни тахминангина билсангиз, айтишда иккиланиб қолишингиз мумкин, натижада сўзларингизда кераклигича дадил чиқмайди;
  - г. Умуман, бирон нарса қилмоқчи бўлсангиз, уни яхшилаб қилиш керак; *«Қиладиган ҳар бир ишни чин дилдан, инсонлар учун эмас, балки Раббимиз учун қилаётгандек қилинглар»* Кол. 3:23
4. Ўқувчилар оятни ёдаки айтаётганларида хато қилса, қўлингиз билан ишора қилинг-у, аммо то ўзи сўрамагунча тўғриланг.
5. Хатосини тўғрилагач, кейинги оятга ўтишдан олдин, ўша оятни қайтадан бехато ёд айтсин. Оятларни қайтаришда ва суҳбат пайтида бир-бирингизни яхшилаб тушуниб олишингиз учун етарлича баланд ва аниқ овозда гаплашинглар.



## Шошилинч ишлар юки остида

### *Чарльз Хаммель*

Сиз ҳеч вақт суткада 30 соат бўлишини орзу қилганмисиз? Бу қўшимча вақт биз яшаётган ҳаётда мушкулларимизни осонроқ қилиши мумкин эди. Бизнинг ҳаётимизда кўпинча охиригача етказилмаган ишлар қолиб кетади: масалан, биз жавоб бермаган хатлар; биз бориб хабарини олмаган дўстлар; биз ёзишимиз керак бўлган мақолалар; биз ўқимаган китоблар... Биз озгина вақтга тўхтаб хулоса чиқармоқчи бўлсак, буларни ҳаммаси фикримизга келади. Биз бу исканжадан қутилишни хоҳлаймиз, лекин, афсуски, биз ундан багтар ботқоқликка ботиб кетамиз ва бунга нажот йўқ.

Лекин ҳақиқатдан ҳам бу суткадаги 30 соат бизга ёрдам берармикан? Ёки олдинги 24 соатда қийналиб кетгандек яна шундай муаммоларга дуч келишимиз мумкинми? Масалан, онанинг болага бўлган ғамхўрлигининг кети кўринмайди, шунга ўхшаб талабалар, ўқитувчилар, жамоат бошқарувчиси ёки биз билган бошқа кишиларнинг иши ҳам шундай. Афсуски, қўшимча вақт бизга ёрдам бераолмайди.

Фарзандларимиз кундан кунга кўпайиб боради, улар улғаядилар ва уларга кундан кунга кўпроқ вақт сарфлаш керак бўлади. Профессional ва жамоатдаги тажрибамиз ортиб бориши вазифамиз мураккаблашиб бораверади, масъулиятимиз ҳам ортади. Шу тарика, биз тобора кўпроқ ишласак ҳам, камроқ қувонч келтиради.

### УНДА НИМА МУҲИМ...?

Агар бўлиб ўтганлар ҳақида ўйланиб курсак, ҳозир биз тушиб қолган аҳволнинг асосий сабаби фақат вақт камлигида эмас, балки ундан ҳам чуқур эканлигини англаб етамиз. Гапнинг пўсткаллеси, биз биринчи бўлиб асосий қилишимиз керак бўлган ишларни

ажратиб, аввал унинг билан шуғуллана олмаймиз. Қийин меҳнат эса бизга зарар келтирмайди. Асосий вазифани бажариш учун бор имкониятимизни ишга солиб меҳнат қилиш нима эканлигини ҳаммамиз жуда яхши биламиз. Бизни камраб олган чарчоқлик иш якун топгандан сўнг қониқиш ва хурсандчилик билан алмашади. Аммо биз ўтиб кетган ойлар ва йилларга назар солсак, қанча-қанча бошланиб ва охирига етказилмаган ишларимиз эсимизга тушади ва бизни қандайдир ўқинч ва ҳорғинлик босади. Аммо лекин буларга қийин меҳнат айбдор эмас, балки иккиланишимиз ва ишончсизлигимиздандир. Бизга асосий бир нарса қолиб кетгандай туюлади ва ўзимизни худди бирон нарсдан айрилиб қолгандек сеза бошлаимиз. Бу ҳодисалар бизнинг ҳаётимизни худди шамол кемани надомат ботқоғига чиқариб ташлагани каби таъсир этади. Бурчимизни бажармаганимиз ва кераксиз ишлар билан вақтимизни бекор ўтказиб юрганимизни англаб етиб, гуноҳларимизни эътироф етамиз ва тавба қиламиз. Бир неча йиллар олдин мен ҳаётнинг паст-баландини кўрган бир пахта завод директоридан ушбу сўзларни эшитгандим: «Сизнинг энг катта хатоингиз, шошилинч ишларнинг муҳимларига халақит беришига йўл қўйишингиздир». Бу сўзлар мени қанчалик лол қолдирганини унинг ўзи ҳам билмади. Директорнинг бу сўзлари менинг қалбимда қайта-қайта жаранглаб, нимани биринчи навбатда қилишим керагу, нимани кейинга қолдиришим кераклиги тўғрисидаги фикрларга қайтишга мажбур қилади.

Биз шошилинч ишларни муҳим ишлардан ажратаолмай қийналамиз. Муҳим ишларни ҳар доим ҳам шошилинч бўлмагани учун кўпинча бажармаймиз. Ибодатни, Муқаддас Китобни ўқишни, иймонга келмаган дўстлар билан гаплашишни кейинга суриш «мумкин». Шошилинч ишлар эса бизнинг эътиборимизни тортади ва уларнинг узлуксиз занжири бизни бирон

кун, бирон соатга тўхташимизга йўл бермайди.

Ва энди: «Менинг уйим -менинг қалъам» деб айтиб бўлмайди, чунки бу бизни шошилиш ишлардан сақлай олмайди, масалан, телефон кўнғироқлари бизни тинчлигимизни бузиб, кейинга қолдириб бўлмайдиган ишлар ўпқонига тортиб кетади. Шу пайт уларга қарши туришнинг имкони йўқдек туюлади, улар бор кучимизни тортиб олади. Лекин вақт ўтиши билан, зарур деб қилинган ишларнинг зарур эмаслигини тушунамиз ва муҳим ишлар бажарилмай қолгани бизда йўқотиш ҳиссини ўйғотади. Ҳа, биз шошилиш ишларнинг юки босган қулларга айланиб қолганлигимизни тушунамиз.

#### УНДА НИМА ҚИЛИШ КЕРАК...?

Бу берк қучадан чиқиш йўли борми? Бундай ҳаёт тарзимизни қандай қилиб ўзгартиришимиз мумкин? Жавобни биз Ҳазратимиз Исо Масиҳнинг ҳаётидан оламиз. Ўлим арафасидаги кечада ибодат қилаётиб, Исо алайҳиссалом Юҳанно келтирган Хушхабарнинг 17 бобида ёзилган Ўзининг буюк дуосида шундай деди: «Сен Менга топширган вазифани Мен адо этдим...» (4- оят). Қандай қилиб У «адо этдим» деб айтаолди? Унинг ер юзидаги уч йиллик хизмати жуда камдек туюлади, негаки яна қанча-қанча одамларга Унинг ёрдами керак эди. Масалан, Симўннинг зиёфатида кириб келган фоҳиша кечирим олди ва ҳаётга эришди, аммо лекин ҳали минглаб-минглаб одамлар бундай бахт нималигини билмай кўчаларда дайдиб юрарди. Ҳар тузалган 10 та майибга ҳали шифо топмаган юз-юзлаб нотавонлар ўзларини оғриқлари билан қолиб кетганлар. Ва ушбу охириги кечада, Раббимиз шунча фойдали ва қилиши мумкин бўлган шошилиш ишлар ўртасида турсада, Унинг қалбида хотиржамлик бўлган. Нимага деса, Худо Унга топширган вазифани адо этганини У билган.

Исо Масиҳ қандай қийинчилик билан меҳнат қилгани ҳақида Хушхабарларда ёзилган. Матто Унинг шундай ишга банд кунларидан бири тўғрисида бундай ёзган: *«Қуёш ботиб, кеч кирган пайтда, барча касаллар ва жинга чалинганларни Исонинг олдига олиб кела бошлашди. Бутун шаҳар аҳолиси эшик олдига йиғилиб қолди. Исо талай дарду иллатлардан қийналганларни соғайтирди. Кўп жинларни қувиб чиқарди...»* (Марк 1:32-34).

Бошқа сафар яна шунча касал ва мажруҳларнинг ташрифи Исога кечки овқатга ҳам имкон қолдирмади, шунда Унинг шогирдлари: *«У ақлдан озиб қолибди»* (Марк 3:21) дейишди. Бир куни Исо оломонни шунчалик тиришиб ўргатдики, бунинг натижасида Геннисарет кўлидан сузиб ўтаётганларида Исо жуда қаттиқ чарчаганидан чуқур уйқуга кетади, ҳатто бўрон ҳам Уни уйғота олмайди. Бу нима, жуда қаттиқ чарчаганини билдирмайдими?

Исо жуда кўп ишларди. Бирок Унинг ҳаёти югур-югур эмасди. У доимо инсонлар учун вақт топарди: баъзан бир одам билан (масалан, самариялик аёл билан қудуқ бўйида) соатлаб ҳам гаплаша оларди. Унинг бутун ҳаёти ажойиб тарзда тартибга солинган эди; чунки Исо вақтни тўғри сарфлашни биларди. Акалари Унга Яҳудияга бориш ҳақида гапирганларида, У уларга жавобан: *«Менинг вақт-соатим ҳали келгани йўқ...»* деди (Юҳанно 7:6). Исо Ўз инъомларини ортиқча шошилиб бузмаган. «Руҳий ҳаётнинг интизоми ва маданияти» китобида А. И. Вайтхэм шундай ёзади: «Бу инсоннинг етиша оладиган мақсади бор... Бу Одамнинг юмушларга тўла ҳаётга хотиржамлик киритувчи ички хотиржамлиги бор. Бундан ташқари У турмушнинг ёқимсиз томонлари: сиатмлар, умидсизлик, душманлик ва ўлим кабилар билан муомала қилиш сирларини биларди, натижада ёмонлик ҳам яхшилик учун хизмат қилиб ҳақиқий Худонинг буюклигини

улуғлади. Исо Масихнинг ҳаётига тўсатдан чек қўйган ўлим ҳам Унинг ўттиз уч ёшлик умрини беаган гулчамбар бўлди ва ҳаётига «бажо келтирди» деган яқун ясади. Исонинг гўзал ва мазмунли ҳаётидан завқланарканмиз, Уни нима шундай қилди деган савол туғилади.

### ХУДОНИНГ АМРИНИ КУТИНГ...

Исо ҳаётидаги бу сирнинг калити нимада? Жавобни биз Марк ёзган Хушхабаридан топамиз. Марк қуйидаги ҳодисага эътибор беради: «Исо эрталаб, жуда вақтли туриб, шаҳардан ташқарига, хилват жойга бориб, ибодат қилди» (Марк 1:35). Исонинг ҳаёти ва меҳнатидаги сир шу эди: У Ота олдида ибодатда тиз чўкиб Ундан амр кутарди ва бу амрларни бажаришга куч-қудрат сўрарди. Унинг ҳаётини ҳар бир кунига мўлжаллаб аввалдан ёзилган режаси йўқ эди. Отаси Исога ўз амрини кун-ба кун, Исо унга ибодатда мурожаат қилганида очар эди. Бу эса Исога шошилиш ишларни четга суриб, Ўзини муҳим ишларга бағишлаш имконини берарди.

Лазар воқеасини олиб кўрайлик. Марям ва Мартадан келган: «Ҳазрат, Сенинг азиз дўстинг касал» (Юҳанно 11:3) деган хабардан муҳимроқ нарса бор эдимиз? Бундан кейинги воқеаларни Юҳанно шундай баён этади: «Исо Марфа ва унинг синглисини ҳамда Лазарни севар эди. Аммо Лазарнинг бемор бўлиб ётганини билса ҳам, ўша жойда яна икки кун қолди» (Юҳанно 11:5-6). Хабар шошилишчиди? Ҳа, зора биродари тирик қолса! Аммо Худо учун нима муҳим эди? Лазарни ўлимдан тирилтириш!!! Шу сабабдан Исо икки кунгача Ўзи турган жойдан кетмади ва бу ўлимга йўл қўйиб берди ҳамда кейинроқ Ўзининг буюк сўзларига тасдиқ қилиб Лазарни тирилтирди: «Мен Тирилиш ва Ҳаётдирман. Менга ишонган одам, ўлса ҳам яшайди» (25-оят).

Нима учун Ҳазратимизнинг ҳаёти шу қадар қисқа давом этди? Яна беш йил - ўн йил кўпроқ давом этса

бўлмасмиди? Нега шунчалар жабрдийда ўз бахтсизлиги билан қолиб кетди? Муқаддас Китоб бу саволга жавоб бермайди, улар биз учун ғайб пардаси ортида қолмоқда - Тангрининг ҳукмлари Ўзигагина маълум. Аммо биз бошқа нарсани биламиз: айнан Худога итоат-ла ибодат қилиш ва Унинг амрларини кутиш Исони шошилиш ишлар юки исканжасидан халос қиларди. Шу туфайли Исо Масихда қайга боришни билар, қадамини қатъий босар, ва Худо буюрган ҳар қандай ишни бажара олишига қобилият бор эди. Айнан шу сабабли ўша сўнги тунда Исо «Мен Сен буюрган топшириқни бажо келтирдим!» деб айта олди.

### БЎЙСУНИШ ОРҚАЛИ БИЗ ОЗОД БЎЛАМИЗ

Шошилиш ишлар юкидан озод бўлиш йўлини биз Раббимиз Исо Масихнинг ибрати ва ваъдасида топамиз. Фарзийлар билан Қуддусда кечган ўткир баҳснинг охирида Исо Ўзига ишонганларга деди: «... агар Менинг каломимга риоя қилсангизлар, ҳақиқий шогирдларим бўласизлар. Сизлар ҳақиқатни билиб оласизлар, ҳақиқат эса сизларни озод қилади. Сизларга гапнинг ростини айтсам. Гуноҳ қилувчи ҳар бир киши гуноҳнинг қулидир... Шундай қилиб, агар Ўғил сизларни озод қилса, ҳақиқатан эркин бўласизлар» (Юҳанно 8:31, 32, 34, 36).

Кўпчилигимизни Масих гуноҳ қуллигидан озод қилди. У сизни энди шошилиш ишлар юкидан ҳам озод қилишини хоҳлайсизми? Ахир Исо Масих йўл кўрсатиб турибди-ку: «агар менинг каломимга риоя қилсангизлар...». Ҳа, озодликка йўл фақат ибодат орқали, Худонинг Каломи устида фикрлаш орқали ўтади. Айнан шу йўл билан биз Худонинг иродасини англаб етамиз.

П.Т.Форсайт: «Ибодат қилмасликдан катгароқ гуноҳ йўқ!» - деган эди. Кўпинча одамлар оғир гуноҳ деганда қотиллик, бузуқлик, ўғирликни

назарда тутишади. Аммо буларнинг бари ягона илдиз билан - ўзиетарчилик, Худосиз мустақиллик билан боғлиқ. Агар биз Уни эсдан чиқараётган, Ундан куч-қувват сўрамаётган ва амрларига кулоқ тутмаётган бўлсак, демак биз бу билан «Сенга мухтож эмасман» деган бўламиз. Оғзимизда балким айтмасакда, ибодатсизлик айнан шуни англатади. Хизматимиз қай даражада «ўзим эплайман» каби муносабат билан зарарланган экан?

Бу хил мустақилликнинг акси - Худонинг амр-насихатларига мухтожлигимизни тан олиб ибодат қилишдир. Худого бўйсунуш ҳақида Д.Бейли шундай дейди: «Исо Масиҳ ерда юрганида Ўзининг умрини Худого суянган холда ўтказди. Биз ҳам Ундан ўрнак олишимиз лозим. Бу хил бўйсунуш инсон шахсига асло зарар етказмайди. Аксинча, фақат ўз умрини тўлиғича Худого бағишлаган инсонгина ҳақиқий тўлақонли ҳаёт кечиради. Соф инсонийлик шундагина юзага чиқади».

Ибодатсиз Худого хизмат қилишнинг иложи йўқ. Футбол ўйини ўртасида ўйинчиларга дам олиш ва ўйин тактикасига ўзгартириш киритиш учун танаффус керак бўлгани каби, бизлар ҳам руҳий курашда Худовандимиз билан бўладиган мулоқотга мухтожмиз.

Худого суянган холда, биз шошилиш ишлар чангалидан қутула оламиз. Фақатгина Худо имкониятларимиз чегарасини билади. Ва биз Ундан сўрасак, У бизга иродасини аён қилади. Ҳеч қайси иш ўз-ўзидан шошилиш эмас. У ёки бу ишни тез бажариш зарур ёки зарур эмаслигини фақатгина Худонинг иродасини билган кишигина тушуна олади.

«Ота болаларига қандай марҳаматли бўлса, Худо Ундан кўрканларга шундай марҳаматлидир, чунки У бизнинг таркибимизни билар, тупроқ эканимизни ёдга олар!» (Забури, 102:13-14).

Бизнинг елкамиздаги, биз кўтараолмай қийналаётган оғир юк қаердан келди? Уни Худо қўятгани йўқ.

Бизни ошқозон ярасига, асаб касаллиги ва юрак хуружи, инфарктларга Худо дучор қилаётгани йўқ, Буларнинг ҳаммаси вазият юзасидан биз ўзимиз йўл қўйган ва қўяётган хатолар туфайлидир.

## ЕТТИ ЎЛЧАБ , КЕЙИН КЕС

Ҳар қандай тижоратчи жуда яхши билади: савдо ишларида жуда яхши натижага эришиш учун режалаштириш ва хулосалар чиқариш жуда муҳим. Улар бунинг учун алоҳида вақт ажратиб ҳисоб-китоб қилишади. «Дьюпон» компаниясининг директори бўлган даврида ж-б Гринвольт шундай ёзган: «Режалаштириш учун ажратилган бир дақиқа, бажаришда 3-4 дақиқа вақтни тежаб қолади». Маҳсулот сотадиган кўпгина корхоналар ишида ҳайратланарли ўзгариш ясаб, даромадини анча оширдилар. Қандай қилиб, дейсизми? Улар ҳар жуманинг тушликдан кейинги вақтини кейинги ҳафтадаги ишларни муҳокама қилиш ва режалаштиришга ажратдилар. Агар раҳбар банд бўлиб, режалаштиришга вақт топа олмаса, унинг ўрнини бунга вақт топа оладиган киши эгаллаши мумкин. Масиҳий ўта банд бўлиб, ўзининг руҳоний ҳаёти тўғрисида тўхтаб фикр юритишга вақт топа олмаса, Худого дуо билан мурожаат қилишни унутса, у тез орада шошилиш ишларнинг қулига айланади. У куну тун ишлаши, аммо Худо унга топширган ишларни бажара олмаслиги мумкин.

Ҳар бир кунни ибодат ва шу кун қиладиган ишлар ҳақида фикр юритиш билан бошланг, чунки бунда биз Худого яқинлашамиз. Олдингиздаги соатлар ҳақида ўйлаб, Унинг иродасига ишонинг Сокин дақиқаларингизда қиладиган ишларингизни муҳимлигига қараб санаб чиқинг, ўз бўйингизга олган мажбуриятларингизни ҳам ёдда тутинг. Тажрибали генерал урушни олдиндан режалаштиради, қарор чиқаради ва сўнг жангчиларга душманга ҳужум қилишга буйруқ беради. У токи ўт очилгунча асосий қарор қабул қилинишини

кечиктирмайди. Шу билан бирга у ўзининг бирламчи режасини тасодифий ҳодисаларга юзага келса ўзгартиришга ҳам доим тайёр туради. Сиз ҳам режалаштирган ишларни амалга оширишга ҳаракат қилишингиз, аммо режаларингизни ўзгартиришга ҳам ҳозир ўртоқлашингиз керак. Масалан, тўсатдан телефон жириглаб, биров сиздан бирор иш қилишни илтимос қилди. Янги таклифга кўнишдан ўзингизни тутиб туриш осон бўлмас. Аммо илк дақиқада бўш вақтингиз бордек туюлса-да, ҳеч вақт шошилманг, бир-икки кун ўйлаб кўришга вақт сўранг. Ҳайратланарлисиз шуки, гўшакдаги илтимос қилувчи овоз тингани заҳоти, тинч шароитда боя зарур кўринган ишларнинг унча шошилиш эмаслиги билиниб қолади. Қийин-қистовнинг гангитувчи ҳисларини енгиб ўтганингиздан сўнг сиз хотиржам ўйлаб кўриб, «Ҳа» ва «Йўк» ларни тарозига солишингиз мумкин. Энди сизда Худога мурожаат қилиш ва унинг иродасини тушуниб етишга вақт бор.

Ҳар куни Худо билан якка қолиш вақтидан ташқари, руҳий ҳаётингизга хулоса чиқариш учун алоҳида вақт ажратинг. Ўтириб шу пайтгача Худо сизга нималарни ўргатгани ва келажакка қандай режалар қўйишингиз ҳақида фикр юритинг ва қоғозга тушинг. Ҳар ойда бу иш учун бир кун вақт ажратишга ҳаракат қилинг, узокроқ муддатга мўлжалланган режа тузинг. Сиз муваффақиятсизликларга ҳам учраб турасиз. Шуниси қизиқарлики, ишларингиз қанчалик кўп бўлса, хулоса чиқариш ва режалаштирмасдан уларни удалаш шунча қийин бўлади, аммо бу мақсадлар учун вақт ажратиш ҳам қийинлашиб бораверади. Сиз, бошқа томонга ҳаракатланаётганини билиб, янада тезроқ югурадиган мутаассибга ўхшаб қоласиз. Эсингизда бўлсин, шошқалоқлик билан Худога хизмат қилиш сизни аксинча Ундан узоклаштириб юбориши мумкин. Аммо сиз Худо билан мулоқот қилишга ва руҳоний ҳаётингизнинг натижаларини

ўйлашга вақт топсангиз, ишингизга янгича ёндошасиз.

## БЎШАШМАНГ

Масихий учун энг қийин нарса Худо билан мулоқотда бўлиш ва ҳафталик-ойлик хулосалар чиқариш учун етарлича вақт ажратишдир. Айрим пайт киши йиллар давомида бунинг учун вақт тополмайди. Шайтон бу вақт биз учун жуда зарурлигини, Худодан кўмак, маслаҳат олишга муҳтожлигимизни яхши билади; шунинг учун иложи борича бу соҳада ҳам бизга ҳалақит беришга ҳаракат қилади. Аммо эндиликда биз қандай қилиб шошилиш ишлар юкидан халос бўлишимиз мумкинлигини биламиз, шундай эмасми? Исо Масихнинг Ўзи бизга ўрнақдир. У Фаластинда амалга ошириши мумкин бўлган барча шошилиш ишларни бажариб улгурмади, аммо Унга Худо топширган ишни амалга оширди. Агар Худонинг иродасини бажараётганимизни билсак, тушкунлик бизни ҳеч қачон кўркета олмайди. Бу ишончнинг ўрнини ҳам ҳеч нима боса олмайди. Бугун, ҳозир, мана шу жойда биз Худонинг амрини бажараётганимиз тўғрисидаги ажойиб билимнинг ўрнини нима ҳам боса оларди? Айнан шунинг учун биз тугулламаган ишларимиз тўғрисида хотиржам фикрлаймиз, чунки бу ҳақда Худо ғамхўрлик қилишини биламиз.

Яқинда ўқиб, Пол Карлсон фожиали ҳалок бўлди. Ёшлигига қарамасдан, у диссертация ёклаб улгургани ҳамда чанг кутубхонада ўтириб, илмий тадқиқотлари билан муваффаиятга эришиши мумкин эди. Аммо у ҳар доим ҳам хавфсиз бўлмайдиган миссионерлик йўлини танлади. Бемаъни ўлимми? Аммо тақдир унга айнан яшаган даврига тенг узунликдаги умр берган бўли, Худо унга топширган вазифани бажарди. Кўпчилигимиз кўпроқ яшаймиз ва анча хотиржам вазиятда ўламиз, аммо дунёни тарк этиш вақтимиз келганда, бизга Худо топширган ишни бажарганимизга

Ишончдан юзага келган  
хурсандчиликдан улуғроқ кувонч  
бўлмаса керак.

Бизнинг йўлимиз равшан: агар  
доимо Худовандимиз Сўзида турсак,  
Унга лойиқ шогирд бўламиз. Ва У  
муҳим ишларни бажаришимиз учун  
шошилиш ишлардан кутқазади. Чунки  
У буни хоҳлайди.

### **Шошилиш ишлар юки остида мавзусини муҳокама қилиш**

«Асримиз менга воситаларнинг мукамаллиги ва мақсадларнинг ноаниқлиги билан ажралиб турадигандек туюлади» - *Альберт Эйнштейн*

«Яхши дегани кўпинча энг зўрининг душмани бўлиб чиқади» - *Номаълум муаллиф*

1. Мақолада «шошилиш» сўзи қайси маънода қўлланилган?

---

---

---

---

2. «Муҳим» сўзи-чи?

---

---

---

---

3. Мақолани ўқиганингизда қайси фикрлар сизда кучлироқ таассурот қолдирди?

---

---

---

---

4. Мақолани муҳокама қилиш жараёнида дўстларингиз томонидан билдирилган фикрлардан қайси бирлари сизни жуда қизиқтирди?

---

---

---

---

---

---

---

---

### **Муқаддас Китобни ўқиш кундалигидан фойдаланиш**

Кундалик, Муқаддас Китобни қайси бобларини ўқиб улгурганингизни сизга кўрсатади.

Барча китоблар Муқаддас Китобда қай тартибда жойлашган бўлса, шундай санаб берилган. Қадимги Аҳд ва Янги Аҳд алоҳида ёзилган. Китобларнинг номидан кейин кўйилган рақамлар мазкур китобларнинг бобларини англатади. Масалан, «Хаворийларнинг фаолияти» китобида 28 та боб мавжуд, шунинг учун унинг ортидан сиз 28 та рақамни кўрасиз.

Матто 1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	
	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26
	27	28											

Марк 1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
	14	15	16									
Луко 1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	
Юҳанно 1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
	14	15	16	17	18	19	20	21				
Ҳаворийлар 1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25
	27	28										
Ёқубнинг	1	2	3	4	5							
1-Бутрус	1	2	3	4	5							
2-Бутрус	1	2	3									

Айтайлик, сиз Ҳаворийлар китобидан тўртта бобни ўқиб чиқдингиз. Демак, сиз биринчи тўртта рақамни белгилайсиз.

Ҳаворийлар 1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	
14	15	16	17	18	19	20	21	23	24	25	26	27	28
Ёқубнинг	1	2	3	4	5								
Ёхуд уларни белги шаклида чизишингиз мумкин. Бироқ китобни тўлиқ ўқиб чиққанингиздан сўнг, охири бобдан кейин тугатган кунингизни ёзиб қўйишингиз мумкин.													
Ҳаворийлар 1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	
	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	
	26	28	<i>25 май</i>										
Ёқубнинг	1	2	3	4	5								

Иложи борича аввал бир китобни ўқиб тугатиб, кейин бошқасига ўтинг.

Кундаликни Муқаддас Китобнинг ичида сақласангиз, ҳар куни ўқиган бобларингизни кундаликда белгилаш ёдингиздан чиқиб кетмайди.

Кундаликка доимо белгилаб бориш сизни Муқаддас Китобни ўқишга ундайди, чунки эришган муваффақиятларингизни яққол кўрсатади.

#### 4-машғулотга вазифа

**1. Оятларни ёд олиш:** «Ғалабага ишонч» мавзусидаги оятни ёд олинг (1 Кор 10:13).

**2. Муқаддас Китобни ўқиш:** Китоб ўқишни давом эттиринг, Кундаликдан фойдаланишдан бошланг. Ўқиганларингизни доим белгилаб бординг.

**3. Муқаддас Китобни ўрганиш:** «Исо Масих шахси» бўлимида берилган 1-10 - саволларга жавоб беринг (*Муқаддас Китобни ўрганиш бўйича қўлланма*, 2 боб, 54-55 бет).



## 4-ЧИ МАШҒУЛОТ

### МАШҒУЛОТНИНГ ТУЗИЛИШИ

1. Икки-уч кишидан иборат гуруҳларга бўлининг ва қуйидаги мавзуларга оид оятларни ёддан қайтаринг:
  - а) «Нажот топганга ишонч ҳосил бўлиши» - 1-Юҳанно 5:11-12;
  - б) «Ибодатларга жавоб келишига ишонч ҳосил бўлиши» - Юҳанно 16:24;
  - в) «Гуноҳ устидан ғалаба қозонганга ишонч ҳосил бўлиши» 1-Кор. 10:13.
2. Шу ҳафта ичида Муқаддас Китобдан ўқиганларингиз ва белгилаган фикрларингизни гуруҳ ичида муҳокама қилинг.
3. «Исо Масих Шахси» бобидаги 1-10 -саволларни муҳокама қилинг.
4. «Ибодатга доир амалий таклифлар» мавзусини ўрганинг (қуйига қаранг).
5. 5-машғулотга вазифани ўқиб чиқинг.
6. Машғулотни ибодат билан якунланг.

### ИБОДАТГА ДОИР АМАЛИЙ ТАКЛИФЛАР


1. Ибодат - Худо билан мулоқотдир.
  - а. Қуйида берилган оятларда Худо билан мулоқотда бўлиш ҳақида нима дейилган?  
1-Кор. 1:9 \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

1-Юҳанно 1:3 \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_


- б. Бирор шахс билан мулоқотга имкон берадиган зарур шарт-шароитлар нимадан иборат? \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

в. Худо билан мулоқот қилишимиз учун гаплашишда бизга эшитиш ва суҳбатлашиш учун вақт керак. Суҳбатда биродарларимизга жавоб беришимиз зарурлиги каби, Худо бизга гапирганда, биз ҳам Унга жавоб беришимиз лозим. Қуйидаги расмда Худо билан кечган яхши ва ёмон мулоқотларнинг мисолини кўрамиз:

### ЁМОН МУЛОҚОТ



Бу расмда биз Муқаддас Китобни ўқийдиган ва Худога вақт ажратадиган масиҳийни кўриб турибмиз. Ўқиб чиққач, у ибодатга юз тутди. Аммо унинг ибодатида ҳозиргина Худо унга гапирган сўзлар билан ҳеч қандай боғлиқлик йўқ (юқорида ўнгда). Биз танишларимиз билан гаплашганда ҳам бунчалик кўрс бўлмаймиз - ахир, ҳеч нарса эшитишни хоҳламай, фақат гапириш кўрслик бўлмай нима? Лекин, баъзан ибодатда Худога нисбатан худди шундай муносабатда бўламиз. Ва буни биз «ёмон мулоқот» деб атаймиз.



2 -расмда яхши мулоқотга мисол келтирилган: Худо қачонки масиҳийнинг қалбини ҳақ учун очса, унинг ибодатига жавоб беради. Қайси йўл билан дейсизми? У ҳақиқатни таниб олиш учун ақл-идрок сўрайди; ва Ўз Сўзи орқали тўғри йўл кўрсатгани учун Худовандимизга раҳмат айтади.

Масиҳий ўқиш пайтида ҳам, ўқиб бўлиб ҳам Худога жавоб беради. Кейин эса, Муқаддас китобда ҳозир ўқиганларидан ташқари, бошқа эҳтиёжларини сўраши мумкин.

2. Ибодатнинг таклиф этилаётган шакли (ҳар бир оят ҳақида хулосангизни ёзсангиз):

а. Худога олқишлар айтиш - Унинг Илоҳий моҳияти ва сифатларини тан олиш;

1-Солнома 29:11 \_\_\_\_\_

Заб. 144:1-6 \_\_\_\_\_

б. Иқрор бўлиш: Худо олдида қилган гуноҳларимизга тавба қилишимиз (айримлар ибодатни тавбадан бошлашади);

1-Юҳанно 1:9 \_\_\_\_\_

Заб. 31:5 \_\_\_\_\_

в. Шукрона келтириш - Олий Ҳимматимиз тақдим этган неъматлари учун раҳмат айтиш - миннатдор бўлиш;

Эфесликларга. 5:20 \_\_\_\_\_

Заб. 99:4 \_\_\_\_\_

г. Сўраш - илтижо қилиш ибодати:

Матто 7:7-8 \_\_\_\_\_

Ёқуб 4:2 \_\_\_\_\_

3. Муқаддас Уч Бирлик ибодатда шундай намоён бўлади: Биз Отага Исо Масих номи орқали Муқаддас Рухга ибодат қиламиз.

а. ОТА, ЯРАТУВЧИ \_\_\_\_\_

---

---

Матто 6:9

Юҳанно 16:23

Эфесликларга 3:14

б. ЎҒИЛ, ИСО МАСИХ

---

---

Биз Унинг исми билан ибодат қиламиз. У бизни Отага олиб борувчи Йўлдир.

Юҳанно 14:13-14

Юҳанно 15:16

Юҳанно 16:23-24

в. МУҚАДДАС РУХ. У Отага бизнинг қалбимиздагини етказди, биз ҳатто буни айтишга сўз тополмасак-да (Римликларга 8:26).

---

---

## 5-машғулотга вазифа

1. **Оятларни ёд олиш:** Кейинги машғулотга янги оят берилмаган. Аввал ёдлаган уччала оятни хотирангизда янада мустаҳкамланг ва ҳеч бўлмаса кунига бир марта такрорлаб туринг.
2. **Муқаддас Китобни ўқиш:** Муқаддас Китобни ўқишни давом эттиринг. Китобни белгилашни ва ўқиш кундалигидан фойдаланишни эсдан чиқариб қўйманг. «Худо билан яққа қолиш вақти» бўлимидаги саккиз оятни ҳар бирининг асосий моҳиятини ёзиб чиқинг.
3. **Муқаддас Китобни ўрганиш:** Ҳеч қандай вазифа йўқ.

## 5-ЧИ МАШҒУЛОТ

### МАШҒУЛОТНИНГ ТУЗИЛИШИ

1. Икки-уч кишидан иборат гуруҳларга бўлининг ва навбатдаги мавзуларга оид оятларни ёддан қайтаринг:
  - а. «Нажот тапганга ишонч ҳосил бўлиши» 1-Юҳанно 5:11-12
  - б. «Ибодатларингизга жавоб келишига ишонч ҳосил бўлиши» Юҳанно 16:24
  - в. Гуноҳ устидан ғалаба қозонганга ишонч ҳосил бўлиши» 1-Кор. 10:13.
2. Шу ҳафта ичида Муқаддас Китобдан ўқиганларингиз ва белгилаган фикрларингизни гуруҳ ичида муҳокама қилинг.
3. «Муқаддас Китобни ўқиш кундалиги»дан қандай фойдаланиш хусусида гаплашинг. Ундан нима учун ва қандай фойдаланиш кераклигини билиб олинг.
4. «Худо билан яқка қолиш вақти» мавзусини ўрганинг.
5. «Муқаддас Китобни ўқиш, оятларини ёд олиш ва Муқаддас Китобни ўрганишнинг хусусиятлари» мавзусини ўқиб чиқинг.
6. «Машғулотларни ўрганиш кундалиги» дан қандай фойдаланиш ҳақида гаплашинг.
7. 6-машғулот учун вазифани ўқиб чиқинг.
8. Машғулотни ибодат билан якунланг.

### МУҚАДДАС КИТОБНИ ЎҚИГАНДА ЁЗУВ КУНДАЛИГИДАН Фойдаланиш

#### Хар куни:

1. Муқаддас Китобни ўқинг ва оятларни белгиланг.
2. Ўқиб бўлгач, ўқиганларингизни қайтадан варақланг ва сиз учун энг муҳим ва фойдали бўлган бир фикрни ажратинг. Бу юксак маъноли фикр бўлиши шарт эмас, фақат сизнинг диққатингизни ўзига жалб қилса етарли.
3. «Муқаддас Китобни ўқиганда ёзиш кундалиги» ни шундай тўлдиригиз:

**Сана** - ўқиган вақтингиздаги санани ёзинг.

**Бугун мен нимани ўқидим** - ёзинг, масалан: Ибтидо 2-5, Ҳаворийлар 8.

**Энг муҳим жойи** - сизга қизиқарли ёки фойдали бўлган фикрларни ёзинг. Масалан:

Сана: 14.12.05 Ҳавола: Юҳанно 3:16

**Муҳим фикр:** «Зеро Худо оламни шунчалик севдики, Ўзининг Ягона Ўғлини берди, токи Унга ишонган хар бир киши халок бўлмасин, балки абадий ҳаётга эга бўлсин» Бу оят менга қандай таъсир қилди: Мен авваллари муҳаббатни ҳис-туйғугина эмас, балки ўзликдан айириб қилинадиган қандайдир бир қурбонлик эканлигини билмасдим.

Муҳаббат ўшандагина ҳақиқий муҳаббат бўлар экан.

4. Агар сизнинг вақтингиз кам бўлса, битта вараққа шундай қилиб ёзишингиз мумкин:

- а. Сана
  - б. Бугун ўқиганингиз
  - в. Шу куни сиз белгилаган асосий фикрнинг жойи
  - г. Сиздаги таассуротлар (қискача)
5. Сиз бир неча кун шундай қилиб ёзишингиз мумкин, кейин эса *Муқаддас Китобни ўқиганда ёзув кундалигига* яхшилаб ёзиб қўйишингиз мумкин. Энг яхшиси, кейинга қолдирмасдан, Муқаддас Китобни хар куни ўқиб ва тўлдириб бориш афзалроқдир.

### МУҚАДДАСКИТОБНИ ЎҚИГАНДА ЁЗУВ КУНДАЛИГИ НЕГА КЕРАК

**1. Кундалик сизга кун бўйи нима ҳақида фикр юритишингиз мумкинлигини айтиб туради.** Масалан: Муқаддас Китобни ўқиш жараёнида унинг

бир нечта жойида айтилган сўзлар сизда катта таассурот қолдирди. Уларнинг ичида сизга энг кучли таъсир қилган оят тўғрисида сиз кейинги мутолаагача фикр юрита оласиз. Муқаддас Китобда берилган бу илҳом орқали Худо сизни ўзгартириб боради. Агар фикрларингиз ноаниқ ва чалқаш бўлса, Худо мутолаангиз орқали бойитиш ва ҳаётингизни ўзгартиришга имкони камроқ бўлади.

**2. Кундалик, Худо сизни қайси томонга йўллаётганини кўришингизга ёрдам беради.** Агар сиз, Худо бераётган илҳомларни ҳар доим ёзиб борсангиз, кўпинча У сизни қаёққа бошлаётганлигини била оласиз. Бу эса сизга бирор қарорга келишга, келажакингизни белгилашга, ўтмиш ва ҳозирги ҳаётингизни тушунишга ёрдам беради.

**3. Сиз дўстларингиз билан олган илҳомларингизни ўртоқлаша оласиз.** Масалан, йиғилишларда ва илоҳиёт дарсларида бу илҳомлар сизга фойдали бўлиши мумкин. Ахир буни сиз китоб ёки дарсликдан олганингиз йўқ (тўғри, китобдан олинган материал ҳам фойдали бўлиши мумкин), балки сизга Худонинг Ўзи аён берган. Шунингдек, фикрларингизни ўртоқлашишга бошқа кўп имкониятлар ҳам бор: Бу илҳомлар Масихдаги биродарларингиз ва опа-сингилларингизга далда-ёрдам бўлиши мумкин.

**4. Кундалик сизнинг ақл-идрокингизни чархлайди ва сизни тартибли фикрлашга ўргатади.**

Кучли таассурот қолдирган оятлар устида ўйларкансиз, сиз билимингизни мукамаллаштира борасиз. Бу эса сизга ўз навбатида, оилавий муаммоларни ечишда, бошқалар маслаҳат сўрашганда, Муқаддас Китобни ўрганиш машғулоти ва шу каби вазиятларда катта ёрдам бўлади.

**5. Кундалик сизни Муқаддас Китобни доимо, тартибли равишда ўқишга рағбатлантиради.**

Кўпчилик каби, сиз ҳам кундалик ёзувлар учун маълум шаклнинг мавжудлиги Муқаддас Китобни доимий мутолаасига рағбатлантиришини кўрасиз. Гап шундаки, кундалик тўлдирилмаган жой сизни Китобни очиб ўқишга ундайди. Яъни, кунни Китобни очмасдан ўтказишингиз эҳтимоли кам бўлади. Албатта, бу мутолаа учун энг яхши даъват эмас, шундай бўлса ҳам, токи жиддийроқ рағбатлар сизни қамраб олмагунча шу ҳам доимий мутолаангизга кўмаклашади.

**6. Охирги эслатма:** Кундаликни ҳаддан ташқари адабий жиҳатдан безашга кўп вақт сарфламанг. Энг муҳими, ёзувларингиз тушунарли ва аниқ бўлсин. Ёзишга қалам ишлатманг, ахир бу кундалик сизга кўп йиллар давомида хизмат қилади.

## ХУДО БИЛАН ЯККА ҚОЛИШ ВАҚТИ

«Ўзларида Исо Масихнинг нуруни номоён қилган ва атроф дунёсини энг кучли ўзгартирганлар Худо билан якка шунчалик кўп вақт ажратган кишилар эдики, бу ҳатто уларнинг ҳаётида ҳал қилувчи ўрин тутди. Парвардигор билан кам вақт бирга бўлиш Парвардигор наздида кам бўлиш деганидир». - *И.М.Баундс*

1. Худо билан якка қолиш деганини қандай тушунсак бўлади?
  - а. Бу - шошмасдан Муқаддас Китобни ўқиш ва ибодат қилишдир.
  - б. Бу - Худо билан мулоқотнинг асосидир.
2. Худо билан якка қолиб суҳбатлашиш зарурлигига 2 та асосий сабаб бор (қуйида келтирилган оятлар тўғрисида тушунчангизни ёзинг):

**1. РУҲИЙ ЎСИШ ВА РУҲИЙ ОЗИҚ.** Жисман тетик ва соғлом бўлиш учун биз тўғри овқатланишимиз керак. Руҳий соғлом бўлиш учун эса Худонинг Каломи билан мунтазам озиқланиш зарур.

1-Бутрус 2:2 \_\_\_\_\_  
Заб.118:103 \_\_\_\_\_  
Ерем.15:16 \_\_\_\_\_  
Ибр.5:12-14 \_\_\_\_\_

## 2. ИСО МАСИХ БИЛАН ТИРИК МУЛОҚОТДА БЎЛИШ.

«У билан оддий, эркин суҳбатлашиш биз учун доимий бўлиб, ҳаётимизда муҳим ўрин олсин, токи биз ҳамма вақт ботинан Худонинг борлигини сезайлик - Худо биз билан» - *Биродар Лоренс*

1Кор.1:9 \_\_\_\_\_  
Юҳанно15:4 \_\_\_\_\_  
Михо 6:8 \_\_\_\_\_  
Заб. 15:11 \_\_\_\_\_

### Муқаддас Китобни ўқиш, оятларини ёд олиш ва Муқаддас Китобни ўрганишнинг хусусиятлари

1. **Ўқиш.** Муқаддас Китобни ўқиш бизларга лаззат ато этиши, фикрларимиз ва туйғуларимизни янгилаши керак. Муқаддас Китобни ўқиш бизга руҳий кўтаринкилик бериши лозим. Ўқиш пайтида биз ҳар бир сўз ёки оятнинг қисмини мазмунига чуқур кетмасдан, бутун бобда ёки Китобда берилган маънони тўла қамрашга ҳаракат қилишимиз керак. Агар биз Худога очиқ юрак билан яқинлашсак, Муқаддас Ёзувларни ўқиш орқали бизнинг ўй-фикрларимиз, хоҳишларимиз ва интилишларимиз покланиб боради. Бу хил ўқиш бизга ҳаворий Павлус берган насиҳатнинг юзага чиқишига ёрдам беради: «Бу дунёга уйғунлашманглар. Худонинг яхши, манзур, комил иродасининг нима эканини фаҳхламоқ учун фикрларингизни янгилаш орқали тубдан ўзгаринглар» (Рим.12:2.). Илоҳий Каломни ўқиш Худо билан яқин ўтказиладиган вақтнинг асосий қисмини ташкил қилади.

2. **Муқаддас Китобни ёд олиш.** Хушхабарни ўқиганимизда Хазратимиз Исо Масиҳнинг Қадимги Аҳднинг кўп оятларини ёддан айтганини кўрамиз. Ҳаворийлар Китобида ҳам Масиҳнинг шогирдлари шундай қилишгани ёзилган. Йирик идоралар бир неча сония ичида маълумотларнинг компьютер банкидан керакли ахборотни олишга қодир бўлганидек, биз - Худонинг фарзандлари ҳам Масиҳни билмайдиганлар билан гаплашганда ёки бошқа масиҳийларга далда беришда, васвасаларни енгишда, илоҳиёт дарсларига тайёрланиш вақтида у ёки бу оятларни ёддан айта олишга тайёр бўлишимиз керак. Қалбимизга ёзилган Сўз ўрнини ҳеч нарса боса олмайди. «Мен бугун сенга гапирётган амрларим юракларингга ёзилгай!» (Қонун 6:6). Довуд 118 -санода шундай дейди: «Йигит ўз йўлини қандай қилиб соф сақлар? Сенинг Каломинг билан юрса бу бўлар. Сенга қарши гуноҳ қилмаслик учун Каломингни юрагимда сақлайман». Агар биз Исо Масиҳ аскарлари бўлсак, доимо руҳий жангга тайёр ва қурол-аслаҳаларимиз шай туриши керак.

3. **Муқаддас Китобни ўрганиш.** Ўқиш бизга умумий - катта тушунчани бергани ҳолда, Муқаддас Китобни ўрганиш жараёнида биз Муқаддас Китобнинг у ёки бу жойининг маъносига кириб борамиз ва унинг таълим билан қандай боғлиқ эканлигини биламиз Мисол келтирсак: ўқиш шаҳар устида самолётда учишдек гап.

Ана, биз улуғвор манзарани, баланд биноларни, дарёларнинг қандай оқишини, яшил паркларни юқоридан томоша қилипмиз. Муқаддас Китобни ўрганишни эса шаҳар ичида машинада сайр қилишга ўхшатсак бўлади. Биз кўчаларнинг номларини билиб оламиз, универмаг, почта ва банкка боришни эслаб қоламиз, «ўз уйимиздагидек

бўлишни», йўл топишни ўрганамиз. Муқаддас Китоб бизга алоҳида нарсаларни бир бутун қилиб боғлаш, унда баён этилган ҳақиқатлар тўғрисида аниқ-равшан тушунча олиш имконини беради. Муқаддас Китобни ўрганишда бизда ботиний ишонч пайдо бўлади. Муқаддас Китобни ўрганиш ўқишга нисбатан синчиковроқ машғулотдир, чунки ўрганишда биз, ўқишдан фарқли ўлароқ, диққатимизни бир фикрга қаратамиз, бу ҳақда ўйлаймиз, ибодат қиламиз ва ҳаётимизда амалга оширамыз.

## **6-МАШҒУЛОТ УЧУН ВАЗИФА**

1. **Оятларни ёд олиш:** «Мағфиратга ишонч ҳосил бўлиши» мавзусидаги оятни (1-Юҳанно 1:9) ёдланг. Аввалги ёдлаган оятларингизни яхшилаб қайтаринг. Чунки кейинги ҳафта бу оятларни ёдлаганингиз ҳақида кундаликка қўл кўйишингиз керак.

2. **Худо билан якка қолиш:** Муқаддас Китобни ўқишда давом этинг. Доимо Китобни белгилаб ўқинг. Энг чуқур таассурот қолдирган фикрларни Муқаддас Китобни ўқишда ёзув кундалигига киритинг. Кундаликни дарсларга олиб келиш ёдингиздан чиқмасин! Ўшанда унда ёзган фикрларингиз билан гуруҳдагилар билан ўртоқлашишингиз мумкин.

3. **Муқаддас Китобни ўрганиш:** Муқаддас Китобни ўрганиш бўйича қўлланма 2-бобининг «Исо Масих шахси» бўлимидаги 11-15 - саволларга жавоб беринг ва «Қисқа баёнот»ни ўқинг.

## 6-ЧИ МАШҒУЛОТ

### МАШҒУЛОТНИНГ ТУЗИЛИШИ

1. Икки-уч кишидан иборат гуруҳларга бўлиниб куйдаги оятларни ёддан қайтаринг:
  - а. «Нажот тапганга ишонч ҳосил бўлиши» 1-Юҳанно 5:11-12.
  - б. «Ибодатларга жавоб келишига ишонч ҳосил бўлиши» Юҳанно 16:24.
  - в. «Гуноҳ устидан ғалаба қозонганга ишонч ҳосил бўлиши» 1-Кор. 10:13.
  - г. «Мағфиратга ишонч ҳосил бўлиши» 1-Юҳанно 1:9.
2. Гуруҳдаги дўстларингиз билан шу ҳафтада Муқаддас Китобдан ўқиган ва белгилаган оятларни муҳокама қилинг, айниқса *Муқаддас Китобни ўқиганда ёзув кундалигида* ёзган фикрларингиз билан ўртоқлашинг.
3. «Исо Масих Шахси» бўлимидаги «Қисқа баёнот» ни ва 11-15 саволларга берган жавобларингизни муҳокама қилинг.
4. 7-машғулотга вазифани ўқиб чиқинг.
5. Машғулотни ибодат билан якунланг.

### 7 МАШҒУЛОТГА ВАЗИФА

1. **Оятларни ёд олиш:** Сулаймон ҳикматларидан 3:5-6 оятларини ёдланг.
2. **Худо билан якка қолиш:** Муқаддас Китобни ўқиш ва белгилашни давом этинг. Энг кучли таассурот қолдирган фикрларни Китоб мутолааси кундалигига киритинг.
3. **Муқаддас Китобни ўрганиш:** Янги вазифа йўқ, аммо 8 машғулотда берилган «Исо Масихнинг ерга келишидан мақсади» бўлими билан танишиб чиқинг.
4. **Бошқа вазифалар:** Агар шу пайтгача ўтган дарсларимизни қайтармаган бўлсангиз, такрорланг. 7 машғулотдаги «Ибодатий суҳбат» бўлимини кўриб чиқинг ва уни муҳокама қилишга тайёрланинг.



## 7-ЧИ МАШҒУЛОТ

### МАШҒУЛОТНИНГ ТУЗИЛИШИ

1. Икки-уч кишидан иборат гуруҳларга бўлиниб, «Исо Масих билан бошлаш» бўлимидаги та оятни ёддан қайтаринг.
2. Гуруҳдаги дўстларингиз билан шу ҳафтада Муқаддас Китобдан ўқиган ва белгилаган оятларни муҳокама қилинг, айниқса *Муқаддас Китобни ўқиганда ёзиш* кундалигида ёзган фикрларингиз билан ўртоқлашинг.
3. Шу пайтгача (1 курснинг шу ярмигача) сизда нималар чуқур таассурот қолдирганини, руҳан ўсишингизга ёрдам берганини гапириб беринг.
4. «Ибодатий суҳбатга қўлланма» бўлимини муҳокама қилинг.
5. Худди шу йўсинда иккита-учта эҳтиёж учун ибодат қилинг
6. 8 машғулотга вазифани ўқиб чиқинг.
7. Машғулотни ибодат билан якунланг.

### ИБОДАТИЙ СУҲБАТГА ҚЎЛЛАНМА

*«Сизларга яна шуни ҳам айтай: агар ер юзида сиздан икки киши яқдил бўлиб, қандайдир бир нарсани сўрашса, Менинг Осмондаги Отам уларнинг тилагини бажаради. Қаерда икки ёки уч киши Менинг номим учун йиғилса, Мен шу ерда уларнинг ўртасида бўламан»* Матто 18:19-20.

Худо биз билан бирга яшашни истайди. Биз У билан суҳбат кўринишидаги ибодат орқали кўпроқ ва яхшироқ мулоқотда бўла оламиз. Суҳбат кўринишидаги ибодатда бир неча киши иштирок этиши мумкин. Ибодатий суҳбатда биз қалбимизни Худога очиб, Унга ўзимизнинг эҳтиёжларимизни айтамыз. Бу ҳил ибодатда ҳар бир киши бир неча бор қисқа ибодат қилиши мумкин. Ибодат қилаётганингизда, айтаётган гапларингиз ҳақида бошқалар қандай фикрга бориши ҳақида ташвиш қилиб ўтирманг. Гапларингизни чиройли чиқиши учун ҳам ҳаракат қилманг, энг муҳими - сизнинг Худога тўғридан-тўғри, чин юракдан ибодат қилишингиздир. Мана сизга бир неча маслаҳатлар:

- 1. Нима ҳақида ибодат қиламиз деб санаб ўтирманг, ибодат қилинг.** Ибодат учун ажратилган қимматбаҳо вақт оддий эҳтиёжларни санаб ўтиришга сарфланиб кетиши мумкин. Кимда эҳтиёж бўлса, шу ҳақда ибодат қилиб бошласин.
- 2. Бошлаган мавзуга таяниб ибодат қилинг.** Ушбу қондани эсда тутиш муҳим. Ғайрат касал ётган дўсти учун ибодат қилди; Обид бўлса у беморнинг яқинлари учун сўрайди, чунки касал тузалгунча уларга сабр тоқат ҳозир жуда ҳам зарур. Учинчи киши Худовандимиздан уларнинг оиласи учун (агар муҳтож бўлсалар) моддий ёрдам сўраши мумкин. Бу ҳақда ибодат тугагач, бошқа нарсалар учун ибодат қилишингиз мумкин. Ўртада кимдир Худо билан мулоқот қилишга доим вақт топишини сўраши мумкин. Кейинги киши эса ҳар куни тонгда ўқийдигани Муқаддас Китобнинг қисмларини тушуниб етиши учун дуо қилади ва ҳоказо. Ибодат давомида бир мавзудан бошқасига тез сакраб ўтмасликка ҳаракат қилинг. Ибодатларингизда бир-бирларингизни қўлланг, яқдиллик билан руҳан бирликда Самодаги Отамизга мурожаат қилинг. Бир-бирларингизнинг қийинчиликларингиз учун қайғуринг ва бир-бирларингиз учун шафоат қилинг.
- 3. Қисқа қилиб ибодат қилинг.** Агар сиз бир масаланинг фақат бир ёки иккинчи жиҳати юзасидан ибодат қилсангиз бунга эришасиз. Бу билан сиз бошқаларнинг ҳам ибодат қилишига имкон берасиз. Агар ҳамма қисқа қилиб ибодат қилса, ҳар бир киши ибодатда кўп марта иштирок эта олади. Бу ҳил ибодатда биз бошқаларнинг

эхтиёжларига ҳам кўпроқ эътибор бера оламиз. Бу хил ибодатда биз, овозини чиқариб ибодат қилаётган биродаримиз билан руҳан биргаликда Худовандимизга илтижо қила оламиз.

#### **4. Ибодат қилганда ўзингизни эркин тутинг, мажбуран бирор кетма-кетлик билан ибодат қилманг.**

Ҳеч қандай тартиб ўрнатманг. «Давра бўйлаб» ибодат қилманг. Ҳар ким биринчи навбатда зарур деб ҳисоблаган мавзусида ибодат қилсин. Мисол учун, ибодатда олти мавзу тилга олинган, сизга эса улардан учтаси қизиқарли. Шунда ўзингиз тузук хабардор бўлмаган ёки унчалик таъсир этмаган нарсалар хусусида ибодат қилманг. Тушунмаётган нарса учун ибодат қилманг. Қачонки қалбингизда ибодат қилишга хоши-истак бўлгандагина ибодат қилинг. Эркин тутиб ибодат қилиш кўр-кўрона инодат қилиш дегани эмас. Ёнингиздаги биродарингиз ибодат қилаётган пайтда юрагингизни Муқаддас Рух учун очинг.

- 1. Ўйланманг - ибодат қилинг.**
- 2. Бир мавзудан иккинчисига сакраманг.**
- 3. Қисқа қилинг.**
- 4. Кетма-кетликсиз ибодат қилинг.**

Ибодатий суҳбат жараёнида ўртада жимлик чўккан пайтлар албатта бўлади. Бу вақтда иштирокчилар ҳаловат ила ўзлари қилаётган иш устида фикрга чўмадилар ва уни яхшироқ адо этишга чоғланадилар.

Энг яхшиси Худога мурожаатни - Бизнинг Осмондаги Отамиз, Худованд, деб бошланг. Ҳамду сано ва миннатдорчилик билдиргандан сўнггина, эҳтиёжларга ўтадилар. Дастлаб гуруҳда кимдир Худони Буюклиги учун улуғласин, бошқаси -қудрати учун, учунчиси - Унинг содиқлиги учун улуғласин. Кимдир яқинда иймонга келган қариндоши учун Худога миннатдорчилик билдирсин, кимдир эса ўзини нажот топгани ва Масих орқали эришган абадий ҳаёт учун раҳмат айтсин.

Шундан кейин гуруҳингиздаги биродарларингизнинг ибодатларига ўтишингиз мумкин. Бу ибодатлар туфайли ёнингизда ўтирган биродар ва опа-сингилларингиз билан бирдамлигингиз мустаҳкамланади. Ундан ташқари сизда, ҳафта мабойнида биродарларингиз учун ибодат қилиш хошиши пайдо бўлади.

Энди эса гуруҳ ташқаридаги мавзуларда ҳам ибодат қилишимиз мумкин. Бундай эҳтиёжлар эса сон-саноксиздир. Ёсингизда бўлсин: кўп нарса ҳақда юзаки ибодат қилгандан кўра, оз нарса учун яхшилаб ибодат қилган афзал.

Бундай ибодатлар орқали сиз ўзингизга янги қувончни очасиз ва сизда биргаликда ибодат қилиш хошиши пайдо бўлади. Кейинчалик ибодатий суҳбатга ажратилган вақт жуда тез ўтиб кетишини сеза бошлайсиз ва сиз истагандек гуруҳда, яқка бўлиб янада кўпроқ ибодат қилишни хошлаб қоласиз.

#### **8 МАШҒУЛОТГА ВАЗИФА**

**1. Оятларни ёд олиш:** Кеинги машғулотгача босқичнинг ҳамма талабларини бажаришга ҳаракат қилинг. *Материални ўрганиш кундалигидаги «Масих билан бошлаш» тўғрисидаги бўш жойни тўлдиришни унутманг.*

**2. Худо билан яқка қолиш вақти:** Муқаддас Китобни белгилаб ўқишни давом эттиринг. Энг чуқур таассурот қолдирган фикрларни Муқаддас Китобни ўқишда ёзувлар кундалигига киритинг.

**3. Муқаддас Китобни ўрганиш:** *Муқаддас Китобни ўқиш бўйича қўлланманинг 3 бобидаги, «Исо Масихнинг ерга келишдан мақсади» бўлимининг 1-10 саволларига жавоб беринг.*

## 8-ЧИ МАШҒУЛОТ

### МАШҒУЛОТНИНГ ТУЗИЛИШИ

1. Икки-уч кишидан иборат гуруҳларга бўлиниб, *Материални урганиш кундалигида* белгилатмагунча 5 та ёдланган оятни такрорлашни давом этинг.
2. Гуруҳдаги дўстларингиз билан шу ҳафтада *Муқаддас Китобдан* ўқиган ва белгилаган оятларингизни муҳокама қилинг, айниқса *Муқаддас Китобни ўқиганда ёзув кундалигида* ёзган фикрларингиз билан ўртоқлашинг. Майли, фақат битта бўлса ҳам, аммо уни айнан Худо ўргатган фикр бўлсин.
3. *Муқаддас Китобни ўрганиш бўйича қўлланма*, 3 боб, «Исо Масиҳнинг ерга келишдан мақсад» бўлимидаги 1-10 саволларни муҳокама қилинг (59-60 бет).
4. 9-машғулотга вазифани ўқиб чиқинг.
5. Қисқача ибодатий суҳбат учун вақт ажратинг.

### 9-МАШҒУЛОТ УЧУН ВАЗИФА

1. **Оятларни ёд олиш:** «Масиҳ билан бошлаш» мавзусидаги оятларни ҳар куни ёддан қайтаринг.
2. **Худо билан якка қолиш:** *Муқаддас Китобни* белгилаб ўқишни давом эттиринг. Энг чуқур таассурот қолдирган фикрларни *Муқаддас Китобни ўқиганда ёзув кундалигига* киритинг.
3. **Муқаддас Китобни ўрганиш:** *Муқаддас Китобни ўқиш бўйича қўлланма*, 3 бобдаги, «Исо Масиҳнинг ерга келишдан мақсад» бўлимидаги 11-16 саволларини ва «Қисқа баёнотни» муҳокама қилишга тайёрланинг (61-62 бет).

## 9-ЧИ МАШҒУЛОТ


### МАШҒУЛОТНИНГ ТУЗИЛИШИ

1. Икки-уч кишидан иборат гуруҳларга бўлининг ва 5 та оятнинг ҳаммасини, токи *Материални ўрганиш кундалигида* белгилатишга эришгунингизча такрорланг.
2. Гуруҳдаги дўстларингиз билан шу ҳафтада Муқаддас Китобдан ўқиган ва белгиланган оятларингизни муҳокама қилинг, айниқса *Муқаддас Китобни ўқиганда ёзув кундалигида* ёзган фикрларингиз билан ўртоқлашинг.
3. *Муқаддас Китобни ўқиш бўйича қўлланма*, 3 бобдаги, «Исо Масихнинг ерга келишдан мақсади» бўлимидаги 11-16 саволларини ва «Қисқа баёнотни» муҳокама қилинг (59-60 бет)
4. «Ғилдирак» тасвирини муҳокама қилинг (36-43 бет).
5. 10 машғулот учун вазифани ўқиб чиқинг (44 бет)
6. Машғулотни ибодат билан якунланг.

### «ҒИЛДИРАК» ТАСВИРИ

Ушбу тасвирда биз самарали масиҳийлик ҳаётининг асосий қисмлари нима эканлигини кўриб чиқамиз. Кейинги босқич сабоқларимизда ёдлайдиган оятларимизнинг ҳаммаси шу «Ғилдирак» тасвири билан боғлиқ.. Бу тасвир дарсларни фойдали ва кизиқарли қилиб, бизга оятларни ҳам ёдлашга ёрдам беради.

Келингилар, хозир «Ғилдирак»нинг учта таркибий қисмини кўриб чиқамиз:



1. ЙЎНАЛТИРУВЧИ ҚИСМИ (ХОҲИШ ВА ТАНЛАШ ЭРКИНЛИГИ) ҒИЛДИРАК ЎҚИ: МАРКАЗДА - МАСИХ, ҒИЛДИРАК ГАРДИШИ - МАСИХГА ИТОАТ
2. ВЕРТИКАЛ ҚИСМИ (ХУДО БИЛАН МУНОСАБАТ) ЮҚОРИ КЕГАЙ: КАЛОМ ПАСТКИ КЕГАЙ: ИБОДАТ
3. ГОРИЗОНТАЛ ҚИСМИ (ИНСОНЛАР БИЛАН МУНОСАБАТ) ЎНГ КЕГАЙ: МАСИҲИЙЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ ЧАП КЕГАЙ: ГУВОҲЛИК БЕРИШ

## ЙЎНАЛТИРУВЧИ ҚИСМ

(Хошиш ва танлаш эркинлиги)

ЎҚИ: МАСИХ - МАРКАЗ



Ёдлаш учун оятлар: 2-Коринфликларга 5:17; Галатияликларга 2:20 Исо Масих ҳаётингизни эгаси бўлиши учун ва ўз ҳаётингизни тўла Унинг ихтиёрига топширишингиз учун сиздан ирода талаб этилади. Ҳаётингизни Рабби сифатида Масихнинг ҳукмига тўла бўйсунингиз заруратини тушуниб этишингиз керак.

Албатта, ҳаётингизни ким бошқариши ўз ихтиёрингизда. Лекин, ибодат қилишингиз ва бошқалар сиз учун ибодат қилиши жараёнида Худо сизга Унинг иродасини бажариш ва Уни ҳаётингиз ҳукмдори этишингиз учун сизга куч бағишлайди.

«Зотан Худонинг Ўзи сизларнинг вужудингизда амал қилади, У Ўз мурод-мақсадини адо этишингиз учун сизларда хошишни ҳам, ҳаракатни ҳам тугдиради»

- Филиппиликларга 2:13

## ЙЎНАЛТИРУВЧИ ҚИСМ

(Хошиш ва танлаш  
эркинлиги) ГАРДИШ:  
МАСИХГА ИТОАТ



Ёдлаш учун  
оятлар:

*Римликларга 12:1;*

*Юҳанно 14:21*

Агар сиз Масихга итоатда бўлсангиз ва У йўналтираётган йўл билан кетаётган бўлсангиз, четдан қараганларга бу дарҳол сезилади. Сизнинг Масихга тегишли эканлигингизни одамлар кўришади. Итоат (бўйсунуш) - бу энг аввало иймонлининг ички ҳаётидир. Итоат сизнинг дунёқарашингизда, одатларингизда, интилиш-ҳаракатларингизда, ҳаётга муносабатингизда, орзуларингиз ва қизиқишларингизда, ўй-фикрларингизда намоён бўлади.

Юрагингиз тубида яширин ётган ишлар ҳам барибир сизнинг бошқалар билан бўлган муносабатингизда юзага чиқади. Биз Худога бўлган муҳаббатимизни Унга итоат қилишимиз билан исботлаймиз.

*«Менинг овозимга қулоқ тутинглар, ва Мен сизларнинг Худойингиз бўламан, сизлар эса Менинг халқим бўласизлар, ва сизларга яхши бўлиши учун Мен сизларга амр қилаётган ҳар қандай йўл билан юринглар».* - Еремиё 7:23

## ВЕРТИКАЛ ҚИСМ

(Худо билан муносабат)

КЕГАЙ: КАЛОМ



Ёдлаш учун

оятлар: 2-

*Тимутейга 3:16;*

*Ёшуа 1:18*

Ушбу тасвирда Худонинг Каломи - энг асосий кегайдир. Ҳақиқатдан ҳам, бу кегай масихийнинг ҳаётини тартибга ва мувозанатга солиб туриш учун жуда муҳимдир. Худо сиз билан Муқаддас Китоб орқали мулоқот қилар экан, У эълон қилган ҳаёт тарзи ва хизмат қоидалари сизга очилиб бораверади, итоатни ўрганасиз, Исо Масихни - таъзимимизга сазовор Шахсни таниб борасиз.

Масихий ҳар куни Калом билан озиқланар экан, иймони кучайиб боради ва руҳан мустаҳкамланади.

*«Ҳар бир Муқаддас Ёзув Илоҳий Илҳом билан ёзилган бўлиб, таълим бериш, далолат қилиш, тузатиш, солиҳлик йўлида тарбия бериш учун фойдалидир. Шу йўсин Худонинг кули комил ва ҳар қандай яхши ишга қобил бўлади».*

- 2-Тим. 3:16-17.

## ВЕРТИКАЛ ҚИСМ

(Худо билан муносабат)

КЕГАЙ: ИБОДАТ



Ёдлаш учун оятлар:

*Юҳанно 15:7;*

*Филиппиликларга 4:6-7*

Сиз Муқаддас Китобни диққат билан, мазмунини тушиниб ўқисангиз, қалбингиз дуога тўлади. Юрагингизнинг бу ҳилда тўлиб-тошиши табиийдир. Чунки ибодат сизнинг Худо билан муносабатингизни янада мукаммалаштиради. Тангримиз сизга муҳаббатини Қаломида гапирмоқда, сиз эса Унга ибодат билан жавоб бермоқдасиз. Қалбингиз сиз ила дўстона мулоқот қилишга интилаётган Шахс олдида очилади

Ибодат Худонинг кудрати учун эшик очади, ибодат орқали биз ўзларимиз ва бошқалар учун бўлган жангда ғолиб чиқамиз, ибодат билан Масихнинг иши бажарилади.

*«Мени чакиргин ва Мен сенга жавоб бергум, ва сен билмайдиган буюк ва кўл етмайдиган нарсаларни кўрсатаман».*

- Еремиё 33:3

- «...Сизларда йўқ, чунки сўрамаяпсизлар»

- Ёқуб 4:2



## ГОРИЗОНТАЛ ҚИСМ

(Одамлар билан муносабат)

КЕГАЙ: МУЛОҚОТ



Ёдлаш учун оятлар:

*Матто 18:20;*

*Ибронийларга 10:24-25*

Масихийлар бошқа одамларга караганда юқорирок ёки пастрок эмас. Кимдир: «Хоч остидаги ер текис», деган экан. Аммо барча масихийларга буюк имтиёз - Худо оиласининг аъзоси бўлиш имтиёзи берилган.

Худо масихийларга бошқа масихийлар билан мулоқотда бўлинглар деб амр берган. Биз ҳаммамиз бир-бирларимиздан ўрганишимиз керак. Масихийлар биргаликда йиғилишганда ажойиб натижалар беради. Ҳа, агар биз биродарларимизнинг ёрдамига суйанмасак, иймонда ўсишнинг ва қарор топишнинг иложи йўқ.

«Унинг бошчилигида бутун бадан алоҳида-алоҳида ҳаётини паю бўгинлар ёрдамида ўзаро уланади ва бирикади. Ҳар бир бўлакнинг алоҳида ўз ҳолича, муҳаббат билан ҳаракат қилиши натижасида бадан ўсиб-улгаяди».

- Эфесликларга 4:16.

## ГОРИЗОНТАЛ ҚИСМ

(Одамлар билан муносабат)

КЕГАЙ: ГУВОҲЛИК БЕРИШ



Ёдлаш учун оятлар:

*Матто 4:19;*

*Римликларга 1:16*

Ҳаётини Исо Масихга бағишлаган иймонлиларнинг бошқа одамларга ўз ишончи ҳақида гапиришлари табиийдир. Чунки у бошқаларнинг ҳам нажот топишини ва тўлақонли ҳаёт кечиришини истайди. Муқаддас Китобни ўқиш, давомли ибодат ҳамда Худога тўла бўйсуниб бизларнинг ҳаётимизни Тангримиз севгисининг чарақлаб турган нури билан тўлдиради. Бу нур бошқа одамларни жалб қолади ва сизнинг сўзларингизга ишонч бағишлайди.

Сизда маълум кўникмалар пайдо бўлганидан сўнггина гувоҳлигингиз самарали бўлиши мумкин. Бу кўникмаларга эришиш ва уларни кммолга етказиш мумкин. Гувоҳлик бериш қоидаларини ўзлаштириб ва маълум бир тажрибани қўлга киритиб, сиз Худонинг қўлида таъсирли қуролга айланасиз.

*«Лекин Муқаддас Рух устингизга тушиб келганда, сизлар қувват оласизлар, Қуддусда, бутун Яҳудия ва Самария бўйлаб, ва ҳатто дунёнинг энг олис чеккаларида ҳам Менинг шоҳидларим бўласизлар».* - Ҳаворийлар 1:8.

**ҲАММАСИ  
БИРГАЛИКДА**  
(Бир бутун ғилдирак)



Кўпинча ҳаётда «ёки- ёки» қабилада иш тутиш муваффақият келтирмайди. Иш эса «униси ҳам», «буниси ҳам» бўлганда юришади. Биз фақатгина мулоқотни ёки фақатгина гувоҳлик бериш, ибодат ёки фақат Муқаддас Китобдан озиқланишни танлаб билмаймиз. Тўлақонли масихийнинг ҳаётида буларнинг ҳаммаси бўлиши лозим. Ҳар бир масихий шундай мувозанатга эришиш учун интилиши керак.

Бу йўлда ривожланиш учун бор куч-қувватингизни ишга солинг ва уларни ишлатишда Худога ишонинг. Доимий янгилашиб боришингизни Муқаддас Рухга ҳавола қилиб, ўз камчиликларингизни енгиб ўтинг.

«Ғилдирак» тасвири сизнинг руҳий ҳаётингиз қандай аҳволда эканлигини тўғри баҳолашга ёрдам беради. Зикр этилган соҳаларнинг ҳар бирида доимий ўсиб боришингиз бутун ҳаётингиз давомида намоён бўлиши лозим.

*«Улар ҳаворийларнинг таълимотига, муштарак ҳаётга, нон синдиришга ва тоат-ибодатларга астойдил берилиб борар эдилар. Худонинг ҳамду-саноси уларнинг тилидан тушмас, бутун ҳалқ уларни севарди. Худо эса кун сайин нажот топганларни иймонлилар жамоатига кўшиб кўярди»*

- Ҳаворийлар 2:42,47

## 10-МАШҒУЛОТГА ВАЗИФА

**1. Худо билан якка қолиш:** Муқаддас Китобни ўқишни давом этинг. Доим энг кучли таассурот қолдирган фикрларни белгилаб, Муқаддас Китобни ўқиганда ёзиш кундалигига киритинг.

**2. Муқаддас Китобни ўрганиш:** «Руҳ сенинг қалбингда» бўлимидаги 1-12 саволларининг ҳаммасига жавоб беринг (Муқаддас Китобни ўрганиш бўйича қўлланма, 4 боб, 63-64 бетлар).

**3. Бошқа вазифалар:** 10-машғулотдаги «Ҳаётимизни «Ғилдирак» тасвири билан текшириш» бўлимидаги бўш жойларини тўлдиринг.

1 ва 2-бандларни бажаринг, кейин эса 3- банднинг ҳеч бўлмаганда бир қаторини бўлса ҳам ёзиб тўлдиринг.

## 10-ЧИ МАШҒУЛОТ

### МАШҒУЛОТНИНГ ТУЗИЛИШИ

1. Икки-уч кишидан иборат бўлган гуруҳларга бўлиниб, 5 та оятнинг барчасини қайтаринг, токи бешала оятларни *Машғулотларни ўрганиш кундалигига* киритмагунингизча.
2. Гуруҳдаги дустларингиз билан шу ҳафтада Муқаддас Китобдан ўқиган ва белгилаган бирор-бир фикрингиз билан ўртоқлашинг.
3. «Ҳаётимизни «Ғилдирак» тасвири билан текшириш» бўлимини муҳокама қилинг.
4. «Рух сенинг қалбингда» бўлимидаги 1-12 саволларини муҳокама қилинг (*Муқаддас Китобни ўрганиш бўйича қўлланма*, 3 боб, 66-68 бет).
5. *11-Машғулотга вазифани* ўқиб чиқинг.
6. Машғулотни ибодатий суҳбат билан яқунланг.

### Ҳаётимизни «Ғилдирак» тасвири билан текшириш

1. Мен ўзимни қуйдагида кучлироқман деб сезаман:

---

---

---

2. Мен ўзимни қуйдагида ожизроқман деб сезаман:

---

---

---

3. Бошқа фикрларим:

---

---

---

---

---

---

---

---

Биз 2-босқич машғулотларида «Ғилдирак» тасвирида берилган олти та мавзу бўйича Муқаддас Китобни ўрганамиз ва оятларни ёдлаймиз.

### 11-МАШҒУЛОТГА ВАЗИФА

1. **Оятларни ёд олиш:** Аввалгидек, «Исо Масих билан бошлаш» мавзусида берилган ҳамма оятларни ҳар куни қайтаринг.
2. **Худо билан яққа қолиш:** Муқаддас Китобни ўқишда давом этинг. Доимо Китобни белгилаб ўқинг. Энг чуқур таассурот қолдирган фикрларни белгилаб, Муқаддас Китобни ўқиганда ёзиш кундалигига киритинг.
3. **Муқаддас Китобни ўрганиш:** 13-20 -саволларига жавоб беринг ва «Рух сенинг қалбингда» бўлимидаги *Қиска баёотни* ўқиб чиқинг. *Муқаддас Китобни ўрганиш бўйича қўлланма*, 4-боб, 68-70 бетлар.

## 11-ЧИ МАШҒУЛОТ

### МАШҒУЛОТНИНГ ТУЗИЛИШИ

1. Икки-уч кишидан иборат бўлган гуруҳларга бўлиниб, 5 та оятнинг барчасини қайтаринг, токи бешаласини ҳам *Машғулотларни ўрганиш кундалигига* киритмагунингизча.
2. Гуруҳдаги дустларингиз билан шу ҳафтада Муқаддас Китобдан ўқиган ва белгилаган бирор-бир фикрингиз билан ўртоқлашинг.
3. Аввалги машғулотдаги «Рух сенинг юрагингида» мавзусида берилган 13-20 саволларни муҳокама қилинг.
4. 12 *машғулотга вазифани* ўқиб чиқинг.
5. Машғулотни ибодатли суҳбат билан якунланг.

### 12-МАШҒУЛОТГА ВАЗИФА

1. **Оятларни ёд олиш:** Кейинги машғулотдаги «Муқаддас Китобдаги оятларни ёд олиш нега керак» бўлимининг 1-қисмида Муқаддас Китоб оятларини ёд олишни асословчи камида 5 та сабабни санаб ўтинг. Ҳар бир сабабни тартиб билан рақамланг. Кейинчалик эсингизга тушган ёки машғулот давомида бошқа ўқувчилар айтиб ўтган сабабларни ҳам қўшиб қуйишингиз мумкин. Иккинчи қисмини ҳам тўлдириг ва уни муҳокама қилишга тайёр бўлинг.
2. **Худо билан якка қолиш:** Муқаддас Китобни ўқишни давом этинг. Ҳар доим ўқиганларингизни белгиланг ва энг чуқур таассурот қолдирган фикрларни Муқаддас Китобни ўқишда ёзув кундалигига киритинг.
3. **Бошқа вазифалар:** Машғулотларни ўрганиш кундалиги бўйича қилинадиган ишларни охиригача қилиб тугатинг. Кундаликни кейинги машғулотда имзо қўйишга тайёр қилинг.



3. Оятларни ёдлашга ҳалақит берувчи сабаблар (бир-иккита тўсиқни санаб ўтинг, масалан, табиатингизга хос хусусият ёки шароитнинг салбий таъсири бўлиши мумкин)

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---



**Муқаддас Китобни ўрганиш бўйича  
қўлланма «ШОГИРДЛИК БОСҚИЧЛАРИ»,  
1-БОСҚИЧ**

## **СЕНИНГ МАСИХДАГИ ҲАЁТИНГ**

Ер юзида ҳаёт кечирувчи инсонларнинг учдан бир қисми уйқуга оч кетишади. Аммо умр бўйи рухий очликка дучор кишилардан бири бўлиш ундан-да баттардир. Исо Масиҳнинг кўп асрлар илгари айтган сўзлари бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ: «Инсон биргина нон билан эмас, балки Худонинг оғзидан чиққан ҳар бир сўз билан яшайди» *Матто 4:4*

Қалб очлигини фақат Тангрини каломи билан қондириш мумкинлигини англаб етганлари учун тобора кўпроқ кишилар Муқаддас Китобни жиддий равишда ўрганмоқдалар. Худо томонидан рухий камолга етмоқ учун белгиланган ушбу таомга янги иймонга келганлар ҳам, Исони кўп йилдан бери таниганлар ҳам мухтождир.

«Шогирдлик босқичлари» 2:7 туркуми доирасида, уларни ўрганиш сизга қуйидагилар учун кўмак бериши учун ишлаб чиқилган:

- Тангрининг Каломини мустақил ўрганиш дастурини тузиб олиш
- Муқаддас Китобда баён этилган буюк ҳақиқатларни ўрганиш
- Шогирдликнинг асосий қоидаларини ўзлаштириб, уларни амалда қўллашни ўрганиш.

Босқичларни биринчисидан бошлаб, кетма-кет ўрганиб, олтинчисида яқунласангиз энг кўп фойда оласиз. Олти босқичнинг барчасининг материали ўзаро боғлиқ бўлгани сабабли улардан биронтасини ҳам ташлаб кетиш мақбул эмас.

Бошида сизга зарур бўладигани фақат Муқаддас Китобдир. Таклиф этилаётган саволар сизларни Муқаддас Китобнинг у ёки бу жойига йўналтиради. Уларнинг устида фикр юритиб, жавобни ўз сўзларингиз биоан ёзинг. Мурожаатлар сизга китобни, бобни ва оят(лар)ни кўрсатади. Масалан, «Башорат 3:20» деган ёзув «Азиз пир Юҳаннога Худо юборган ваҳий, 3-боб, 20-оят»ни англатади. Ҳар бир машғулотни ибодатдан бошламоқ керак. «Сенинг Масиҳдаги ҳаётинг» бўлимининг боблари маъносини англатишни Худодан сўранг. Улар тўртта бобдир:

- Худо сенга ғамхўрлик қилади
- Исо Масиҳнинг шахси
- Исо Масиҳнинг вазифаси
- Рух сенинг қалбингда

## 1-боб ХУДО СЕНГА ҒАМХЎРЛИК ҚИЛАДИ

Сиз - ўзига хос инсонсиз!

Бу рост, чунки Худо сизни шундай деб ҳисоблайди. Сиз Унинг учун муътабарсиз, У сиз тўғрингизда ғамхўрлик қилади, Сиз билан содир бўлаётган воқеаларга У бефорқ эмас. Мазкур бобда бундан гувоҳлик берувчи тўртта даъво тадқиқ этилади:

- Худо сени яратган
- Худо сени билади
- Худо сени севади
- Худо сени Ўз оиласига қабул қилди

### Худо сени яратган

1. Ибтидо бошланиш китобидир. Биринчи бобда Худо коинотни қай тариқа яратгани тўғрисида сўз боради. Ибтидо 1:1-5 оятларини ўқинг. Оламни яратилишига боғлиқ ҳеч бўлмаганда учта муҳим жиҳатни қуйида санаб беринг.

---

---

---

---

---

2. Худо оламни қандай яратди: (Ибронийларга 11:3)

---

---

---

3. Худо борлиқ мавжудотни нима учун яратди (Ваҳий 4:11)

---

---

---

---

4. Худо сизни нима мақсадда яратди? (Ишаё 43:7)

---

---

---

---

5. Худо инсонга тақдим этган ўзгача обрў-эътибор ва кадр-қиммат тўғрисида унинг ўхшаши йўқлиги, унинг ҳокимлиги, унга аталган қисмат гувоҳлик беради. Буни Ибтидо китобининг 1:26-28 оятларига таяниб тасдиқланг.

а. Инсоннинг ўхшаши йўқлиги

---

---

---

---

б. Инсоннинг ҳокимлиги

---

---

---

---

в. Инсога аталган тақдир

---

---

---

**Худо сени билади**

6. 138:1-6 Санода Довуд ҳаётининг, Худо «синаб кўрган ва биладиган» бир неча соҳаси тўғрисида гапиради. Улардан ҳеч бўлмаганда тўрттасини санаб ўтинг. Шундан сўнг улардан, ҳаётингиздаги Худога маълумларига белги қўйинг.

---

---

---

---

7. Ўзининг барча ҳаёти Яратганга очиқ эканлигини англаб, Довуд Худога қандай жавоб беради? (138:23-24 сано) \_\_\_\_\_

---

---

8. Ҳаётингизнинг ҳаттоки арзимасдек кўринган икир-чикирлари ҳам Худога бефарқ эмаслиги ҳақида исо нималар дейди? (Матто 10:29-31) \_\_\_\_\_

---

---

---

**Худо сени севади**

9. Худонинг сизга бўлган муҳаббатининг буюк гувоҳлиги нимадан иборат? (1-Юҳанно 4:9-10)

---


---

---

---

10. Юҳанно 3:16 оятини қуйида таклиф этилаётган сурат билан фикр юритиб ўрғанинг.

ХУДО ОЛАМНИ ШУНЧАЛИК СЕВДИКИ,  
ЯККАЮ ЯГОНА ЎҒЛИНИ ЮБОРДИ. ТОКИ  
УНГА ИНОНГАН ҲАР БИР ИНСОН ҲАЛОК  
БЎЛМАСИН, АММО АБАДИЙ ҲАЁТГА  
ЭРИШСИН.

ЎЛИМ  ҲАЁТ

ЎЗИДАН БЎЛГАН ЎҒЛИНИ ҚУРБОНЛИККА  
БЕРДИ

а. Худо инсонларга муҳаббати юзасидан нималар қилди:

---

---

---

---

б. «Худо Ўз Ўғлини берди» сўзларини қандай тушунмоқ керак?

---

---

в. Инсон қандай қилиб абадий ҳаётга эришиши мумкин?

---

---

11. Юҳанно 10:9-16 да Исо Ўзининг инсонларга бўлган муҳаббатини ва уларга ғамхўрлигини чўпоннинг қўйига бўлган муҳаббати билан солиштиради. Ушбу оятларга асосланиб, Исо сизга тақдим этмоқчи бўлган нарсаларни санаб ўтинг.

ОЯТ

ИСО СИЗГА НИМАЛАРНИ БЕРМОҚЧИ

<hr/>	<hr/>
<hr/>	<hr/>
<hr/>	<hr/>
<hr/>	<hr/>

12. Қуйида санаб ўтилганлардан сиз учун энг муҳими қайси?

---

---

---

---

---

Бир дақиқа тин олинг, ўкиган ва ёзган нарсаларингиз устида ўйга толинг. Худонинг буюк инъоми, У сиз учун қилмоқчи бўлган барча нарсалар учун Худога шукрона дуосини адо этинг. Ўзингизнинг бирон куч-ҳаракатингиз билан эриша олмайдиган, илгари ета олмаганингиз даргоҳни эшигини сиз учун очган Исо эвазига унга ҳамд айтинг.

**Худо сени Ўз оиласига қабул қилди**

13. Исо ўз шогирдларини Худога қандай деб мурожаат қилишга ўргатди? (Матто 6:9) \_\_\_\_\_

---

---

14. Худо дарҳақиқат барчамизнинг отамизми? Нима учун? (Юҳанно 8:42-44)

---

---

15. Инсон қай тариқа Худонинг оиласида қайта туғилади? (Юҳанно 1:12-13) \_\_\_\_\_

---

---

---

«Нажот топишимга ишонч мен учун ҳаддан ташқари муҳимдир, чунки, бола сингари, Худо мени севиши ва Ўз фарзандидек қабул қилиши билмаганимда мен Уни сева олмас ва Унга хизмат қила олмас эдим». - *Эндрю Мюррей*

16. «Римликларга мактубнинг 8:15-17 оятига асосланиб, Худонинг фарзанди бўлиш нега яхши эканлигини кўрсатиб беринг. \_\_\_\_\_

---

---

17. Худо Отангиз эканлиги сизга қаердан маълум эканлигини қисқача ёзинг \_\_\_\_\_

---

---

Масихий сифатида, Худо сизга абадий ҳаёт берган Отангиз эканлигига ишончингиз комил бўлиши керак. Инсоний ҳиссиётлар ўзгарувчан бўлади, аммо бу ишонч барқарор асос - Худонинг Каломида таянч топгандир. «Мен буларни сизга абадий ҳаётга эгалитингизни билинглар, деб ёздим» *1-Юҳанно 5:13*.

Қуйидаги уч оят кўпчилик масихийларга нажотда ишонч топишга кўмак берди.

Улардан сизга мос келадиганини танланг. Балки, сиз уни ёд олишни истаб қоларсиз.

«Сизларга ростини айтмай: Менинг сўзларимни тинглаган ва Мени Юборганга ишонган киши абадий ҳаётга эга бўлади. У ўлимдан ҳаётга ўтгани учун ҳукм қилинмайди» *Юҳанно 5:24*

«Худонинг гувоҳлиги шундан иборатки, Худо бизларга абадий ҳаёт берди. Бу ҳаёт эса унинг Ўғлида мужассамдир. Ким Худонинг Ўғлига эга бўлса, ҳаётга эгадир. Ким Худонинг Ўғлига эга бўлмаса, ҳаётга эга эмас» *1-Юҳанно 5:11-12* «Мана, мен эшик олдида туриб, тақиллатаяпман. Кимда-ким овозимни эшитиб эшикни очса, Мен унинг ёнига кирман; Мен у билан, у Мен билан кечки овқатни баҳам кўрамиз» *Ваҳий 3:20*

### **ҚИСҚАЧА МАЗМУНИ**

Худо сизларни Ўзи белгилаган мақсад ва Ўзининг шон-шарафи учун яратди. Ўзининг суратидай ва Ўзига ўхшаган қилиб яратгани учун У сизларга қадр-қиммат берди. Сиз унинг учун азизсиз. У, сиз ўзингизни билганингиздан ҳам яхшироқ билади сизни. У сизни шунчалик севиб қолдики, сизни деб Ўзининг Ўғлини хочга қурбонликка юборди. Бу муҳаббат ҳодисаси У сизга абадий, мўл ҳаёт бермоқчи эканлигини кўрсатади. Масихдаги бу янги ҳаётни қабул қилар экансиз, сиз илоҳан туғилдингиз ва шу орқали Худонинг оиласига кирдингиз. У сизнинг Отангиз. Си Унинг фарзандисиз.

## 2-боб

### ИСО МАСИХНИНГ ШАХСИ

Исо кўринмас Худонинг суратидир (Колосаликларга 1:15). Инсон Худонинг моҳиятини тўлиқ тушуниб олишга кодир эмас. Худо муқадасдир, инсон эса гуноҳкор. Гуноҳкор инсонни ўзи билан бирлаштирмақ учун Худо Ўзини инсон танасига жо қилиб, Исо Масиҳ шахсида одамлар хузурига келди. Инсон билан мулоқотга кириш ва унга ҳамдард бўлиш учун У инсонга айланиши лозим эди. Шу сабаб Исонинг табиати икки хилдир, У - Илоҳ-одамдир.

Исо Масиҳнинг моҳиятини тушуниб етмоқ учун Унинг Илоҳий моҳиятини ва Инсоний моҳиятини ўрганмоқ керак.

#### Исо Масиҳнинг Илоҳий моҳияти

Айримлар Исо Масиҳ тўғрисида буюк инсон ҳақидагидек сўзлашади. Бошқалар учун эса У - янги диннинг асосчисидир. Кимдир Уни пайғамбар деб атайди. Аммо Исонинг Ўзи - Худолигини таъкидлаган. Агар бу ёлғон бўлганда, Уни хаттоки яхши инсон деб атаб бўлмасди. У қаллоб ва ёлғончи бўларди.

Ибронийларга мактубнинг биринчи бобида Масиҳнинг Илоҳийлиги тўғрисида хикоя қилади. Шу бобни ўқинг ва 1-4 саволларга жавоб беринг.

1. Исонинг фаришталардан устунлиги тўғрисида қуйидагилар далолатдир:

4-5 -оятлар \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

6-оят \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

13-14 -оятлар \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

2. 8-12 -оятларни ўқинг. Қуйида, ҳар бир таъкиднинг тўғрисида, ушбу ҳақиқат баён этилган оятнинг рақамини қўйинг.

Исо - Яратувчи \_\_\_\_\_

Исо - ўзгармас \_\_\_\_\_

Исо - абадий \_\_\_\_\_

Исо - такводор \_\_\_\_\_

3. Учунчи оятда бизга Худони кашф этишни ёрдам берадиган нарсалар санаб ўтилган.

Улардан ҳеч бўлмаганда бирини санаб ўтинг \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

4. 8-оятда Худо Исога қандай мурожаат қилади? \_\_\_\_\_

10-оятдачи? \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

5. Исо Ўзи тўғрисида нима дейди? (Юханно 10:28-30) \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

«Агар хонага Сукрот кирганида биз ҳурмат юзасидан ўрнимиздан турардик. Аммо Исо кирганида эса тиз чўкиб Унга сажда қилардик». - *Наполеон*

Ер юзида бўлган кунларида Исо одамларга Ўзининг илохий кудратига далолат бўлган кўплаб муъжизаларни кўрсатди.

6. Матто баён этган Инжилнинг 8-бобидаги қуйидаги оятлар асосида Исо қай тариха Ўзининг ғайритабиий кучини қандай намойиш этганини санаб ўтинг.

3-оят \_\_\_\_\_

6,13-оят \_\_\_\_\_

16-17-оятлар \_\_\_\_\_

23-27 -оятлар \_\_\_\_\_

Юҳанно баён этган Инжилнинг 11:39-44 -оятларида Исонинг ўхшаш йўқ, муъжизавий кучини намойиш этган нималар тасвирланган \_\_\_\_\_

7. Исонинг ҳаётини ва Унинг кучи намойишини кузатиб, шунингдек, Унинг ваъзларини тинглаб, Бутрус қандай хулосага келди? (Матто 16:13-16) \_\_\_\_\_

8. 60-61 -бетлардаги жадвал Исода кўпчилик башоратлар амалга ошганини кўрсатади. Унда келтирилган оятлар Сизнинг Исо тўғрисидаги тасаввурларингизга қандай таъсир этмоқда? \_\_\_\_\_

10. Исо Масихнинг Илохий моҳияти тўғрисидаги бўлимни такроран кўриб чиқинг. Исо Масихнинг Худолигига ишончингизга асос бўлган учта сабабни келтиринг.

### **Инсоний моҳияти**

